Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси
1996 йил. 1 октябр
39 (68)- сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ «ОЛТИН МЕРОС» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан халқимиз меросининг ноёб намуналарини тўплаш, авайлаб асраш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, равнақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилгани, унинг устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтгани эътиборга олинсин.

2. «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тугатилган маданият жамғармаси, «Истеъдод» жамғармаси, «Ижодкорлар» жамғармаси, Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси ҳамда «Ёдгорлик» жамиятининг барча мол-мулки ва маблағларининг ҳуқуқий вориси бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари:

буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиб, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш;

ўтмиш маданиятимизга оид қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъати намуналари ва тарихий-маданий қимматга молик бошқа ёдгорликларни мамлакатимизда, хорижда излаб топиш ва ўрганиш, улардан улкан меросимизнинг узвий қисми сифатида фойдаланиш;

республикадаги ва чет эллардаги маданий-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида турли танлов, аукцион, фестиваллар уюштириш, ижодий-илмий делегациялар алмашиш;

истеъдодли ёшларни танлаб уларнинг ижодий камолотига моддий ва маънавий ҳомийлик қилиш;

ўз ва давлат дастурини бажариш учун маблағларнинг маълум қисмини мамлакатимиздаги ва хориждаги фаолият ҳисобидан, шу жумладан, қўшма корхоналар очиш йўли билан жамғаришдан ва уставда белгиланган бошқа хайрли ишлардан иборат эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма таъсисчилари ва ҳомийларининг ҳамда маданий-илмий жамоатчиликнинг мазкур жамғармани моддий-маънавий жиҳатлардан кенг қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойлардаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси бўлимларини ташкил этиш, уларни бино ва моддий-техника ашёлари билан таъминлаш масалаларини бир ой муддат ичида ҳал қилсинлар.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Тошкент шаҳар Шодлик кўчасидаги 6-уйни ҳовлиси ва ҳовлидаги барча қурилишлари билан бирга белгиланган тартибда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасига ҳақ олмасдан мулк қилиб берсинлар.

Жамғарма жойлашган бинони миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш ишларини 3 ой муддат ичида тугаллаш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига (Азимов Р. С.) юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) жамғармага Вазирлар Маҳкамасининг заҳирасидан 10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

Жамғарма дастурига биноан чет эллардан миллий бойликларимизни сотиб олиш учун, хорижий мамлакатларга экспедициялар уюштириш ҳамда ўзининг асосий фаолияти доирасидаги буюртмалари бўйича президентлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган миллий сўмни эркин муомаладаги валюталарга айирбошлаш ҳал этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, жамғарма, унинг бўлимлари ва унга қарашли корхоналар уставида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича:

ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолият ва тижорат билан шуғулланишга ҳақлидирлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод қилинган.

9. Жамғарма раиси моддий-маиший, транспорт ва тиббий таъминот шароитларига кўра тегишли равишда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилсин.

10. Оммавий ахборот воситаларига «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий махсус рукнлар очиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1965 йил 1 апрелдаги 188-сон, 1987 йил 11 декабрдаги 501-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги 12-сон ва 1993 йил 19 майдаги 238-сон қарорлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимовга юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 сентябр

## СИЁСАТ МАСЪУЛИЯТ ВА МАДАНИЯТ ДЕМАКДИР

*Азамат ЗИЁ*



Нари бериси билан 2500-3000 йиллик сиёсий муносабатларимиз тарихи нуқтайи назаридан олганда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг юзага келиши алоҳида тарихий воқеадир. Ўтган бир неча минг йиллар давомида юртимизда сиёсат отига минганлар ё шунинг иштиёқида ёнганларнинг сони қанчалар бўлганини аниқ айтолмасакда, аммо уларнинг сифатини ўз замоналари доирасида кўрсатган хизматлари ё «кароматлари» орқали яхши биламиз. Чунончи, милодий сананинг Кушонлар, Эфталитлар, Турк хоқонлари, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Шайбонийлар даврларидаги ўзига хос сиёсий ютуқлар намуналари ҳаммага аён. Шу билан бирга сўнгги Аштархонийлар, Манғитлар, Қўнғиротлар, Минглар мамлакат сиёсий ҳаётида етакчилик қилган йиллардаги йўқотишларни ҳам яхши эслаймиз. Хосилавий сифатларидан қатъий назар уларнинг бари замирида муайян бир сиёсий муносабатлар, сиёсий кучлар, оқимлар, гуруҳлараро алоқалардан иборат жараён ётгани ҳам шубҳасиз. Бу жараённинг ўз қонуниятлари ҳам бўлгани маълум. Биз ана шулардан иккитасига эътиборни жалб қилмоқчимиз: 1) давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги сулолавий асос ва 2) ана шу асосга эгалик қилиш йўлидаги сулолалар ўртасидаги кураш. Гарчи баъзи ҳамкасбларимиз бундай талқинимизга қўшилмасаларда, биз барибир ўтмишдаги сулолаларни ўз даврининг партиялари деган бўлардик. Шу маънода юқоридаги икки тарихий тушунча бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган дейиш мумкин. Яъни давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги сулолавий-партиявий асос ва бу асосга даъвогарлик йўлидаги сулолавий-партиявий кураш. Ўтмиш сулолалар ва замонавий партияларни мазмунан яқинлаштириш воситаси орқали биз сиёсий муносабатлар, тарихимизнинг сабоқли томонларига диққатни жалб қилмоқчимиз.

Ўтмиш сулолалар эгаллаб турган ҳокимиятларини сақлаб қолиш йўлида ҳам ички, ҳам ўзга сулолалар билан қарама-қаршиликларга бормаган йиллари деярли бўлмаган. Бундай қарама-қаршиликлар жараёни керак бўлган давлат асосларига доимо катта хавф туғдириб келган. Ўзаро курашлардан давлат асосларининг емирилиб боришига оид яққол мисол бу сўнгги ўрта асрларда бир бутун давлат ва мамлакатнинг учга (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларига) бўлиниб кетиши билан боғлиқ. Мазкур ҳолатнинг оқибатларини биз бугун яхши биламиз. Сулолалар ўртасидаги кураш, аёнки ҳарбий кучга таянган ҳолда олиб борилиб, ҳокимият учун бошланган (аслида эса у ҳеч вақт тўхтамаган) ҳар бир жиддий ҳаракат мамлакатни вайрона, фуқаро ҳаётини хароб қилгани ҳам тарихдан маълум. Оқибатда ҳокимият учун кураш тушунчаси оддий халқ учун кулфатга айланган. Ана шундай жараёнларни бошдан кечираверган оддий кишиларнинг руҳиятини тасаввур қилиш қийинмас — нима бўлса ҳам тинчлик бўлсин, ҳокимиятда ким турса ҳам ўзаро жанжал бўлмасин деган ижтимоий фикр шаклланиб борган. Уларда давлат ҳокимиятига нисбатан қандайдир бир лоқайдлик муносабати туғила бошлаган. Фуқаролар сиёсий фаоллигига путур етган, сиёсий тафаккур ривожда сустлаша борган. Сиёсий кураш тор доиралар касбига айланиб, оддий халқ муносабатини ўзида деярли акс эттирмаган. Ўртадаги тафовут кучайиб борган сари миллатнинг сиёсий онги ўтмаслашиб бораверган. Худди шунинг учун ҳам ягона давлат ҳокимиятининг учга бўлиниши жараёни (Бухоро, Хива, Қўқон) ҳамма кўз ўнгида осонгина содир бўлган. Худди шунинг учун ҳам мустамлакачилик даврининг энг йирик миллий-озодлик қўзғолонларидан 1892 ва 1916 йил исёнларига туртки бўлиб олдиндан пишитилган сиёсий режа эмас, балки вабо тарқалиши билан боғлиқ воқеалар ва оқ подшонинг мардикорликка сафарбарлик хусусидаги фармони хизмат қилган. Худди шунинг учун ҳам мустамлакачиларга қарши халқ қўзғолонларида зиёлиларнинг иштироки борасида турлича қарашлар мавжуд. Худди шунинг учун ҳам 1916 йили тамом Туркистон ва бутун Россия империясини ларзага солган халқ қандайдир бир неча йил ўтар-ўтмас илгариги сиёсий-иқтисодий қарамлик ҳалқаси устига мулкчиликдаги адолатсизлик, мафкурадаги кофирлик, маданият ва маънавиятдаги хўрлик ва камситиш ҳалқаларининг солинишига йўл қўйиб берди.

Демак, миллат учун сиёсий онг энг олий бойлик ва букилмас қувват. Шоир ва олим, муҳандис ва давлат арбоби мазкур миллат орасидан ва мавжуд шароитда етилиб чиқишини ҳисобга олсак, сиёсий онгнинг миллат учун аҳамияти янада ойдинлашади. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: сиёсий онгнинг ўзи нима? Жавобни мазкур сўз бирикмасининг таркибий мазмунидан келиб чиқиб берсак. Онг воқеликнинг акси инъкосидир. Воқелик эса ниҳоятда кенг ва ҳар тарафлама тушунча-тарихий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ва ҳоказо имкониятлар ва муносабатлар бирикмасидир. Сиёсат эса бир сўз билан айтганда, бошқариш демакдир. Демак сиёсий онг бу воқеликни, борлиқни бошқаришга нисбатан миллат ё инсондаги масъулият ҳисси. Бу ўзига хос бир маданият. Кейинги бир неча асрлар давомида ҳар томонлама катта, бошқалар ҳавас қилса арзигудек имкониятларга (ва демак, воқеликка) эга бўла туриб улардан ўзимиз учун муносиб фойдалана билмаганимиз ва натижада доимо бизга эргашиб келганлар орқасида қолишимизнинг бош сабаби ҳам ана шу масъулият ва маданиятни қўлдан берганлигимиздир. Муҳокамага тақдим қилинаётган қонун лойиҳасини биз худди ана шу тушунчалар нуқтайи назаридан баҳоланишини хоҳлар эдик.

Ушбу қонуннинг истиқболдаги энг бирламчи хизмати миллатимиздаги сиёсий онгнинг шаклланиб, юксалиб бориши билан боғланишини истардик. Зеро, лойиҳадан кўриниб турганидек (аслида ҳам худди шундай бўлиши керак ўзи), у бирон-бир партия ё сулола манфаатларидан келиб чиқиб эмас, балки ҳамма учун баробар бўлган, миллат ва давлат манфаатларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда тузилган ё шунга интилинган. Шунинг учун ҳам лойиҳа муҳокамасига киришар эканмиз, ҳар бир партия ва партиявийликка даъвогарларнинг табиий равишдаги уюшмавий манфаатларини инкор этмаган ҳолда, барибир биринчи ўринга миллатнинг эртанги кун манзарасини қўймоқ лозим. Зеро, қонун фавқулодда мукаммал мазмун ва шакл олган ҳолда қабул этилганида ҳам асосий мақсад рўёбга чиқди дейиш унчалик тўғри бўлмайди. Асосий мақсадни рўёбга чиқариш эса лойиҳа қонун кучини олгандан кейинги йиллардаги биздаги масъулият ва маданиятга боғлиқ бўлади. Шу маънода анчадан бери ўйлаб юрган ва шу лойиҳа баҳона хонаси келиб қолган бир фикрни ўртага ташламоқчимиз.

Давоми иккинчи бетда

## ЁДГОРЛИКЛАР ШИФОКОРИ

Ярим асрдирки Мирумар Асадов Самарқанддаги тарихий обидаларга қайта ҳаёт бахш этиш, сайқал бериб, деворларини аввалгидек безакли ложуворд кошинлар билан қоплашдек ўта нозик, қийин, масъулиятли ишларни бажариш билан банд.

Мирумар ака ёшлигидан қадимий меъморчилик санъатини севиб, унга ихлос қўйганлардан. Ўша кезлари у кўпинча шаҳардаги Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Бибихоним масжиди ва Регистон майдонига тез-тез борар, бу ердаги ёдгорликлардаги турли хил товланиб турган кошинларга тикилар ва уни синчиклаб ўрганишга ҳаракат қиларди.

Мирумарда меъморчиликка бўлган қизиқишни дастлаб бобоси уста Абдуҳафиз уйғотган эди. Қирқинчи йилларнинг бошида бухоролик машҳур ганчкор уста Ширин Муродов Самарқанд Регистонида икки йиллик мактаб очиб, бинокорликка меҳр қўйган ёшларни ганчкорлик, кошинпазлик, ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик, наққошлик касбларига ўргатди. Мирумар ҳам укаси Мирусмон билан шу мактабда ўқиб, малака оширди.

Маълумки, қадимий обидаларга қайта сайқал бериб, уларга иккинчи умр бағишлаш ғоят қийин ва нозик ишдир. Буни Мирумар ёшлигидан ҳис қилди. Унинг кўп умри ва меҳнати Шарқ меъморчилигининг гўзал иншоотларидан Тиллакори, Улуғбек ва Шердор мадрасаларини таъмир қилишга бағишланди. Мирумар Улуғбек мадрасасининг пештоқидаги кўчиб тушган юлдузларни, Тиллакори мадрасасининг катта равоғидаги кўчиб тушган кошинларни маҳорат билан қайта тиклаб асл ҳолига келтирди.

Ҳар гал санъат кошонасига кирганингизда, қўли гул усталарнинг ақл-заковати, нозик санъати олдида лол қоласиз. Ҳар бир нақш, ҳар бир ўймакорлик ишида устанинг заҳматли меҳнати, қўл изи, юрак тафти, нафаси сезилиб тургандек бўлади. Бу нақшларда халқимизнинг буюк ва бой тарихи-ю, ўтмиш маданияти, юксак маҳорати-ю асрлар оша яшаб келаётган ганчкорлик, ўймакорлик ва наққошлик санъати намоён. Уста Мирумар Асадов Улуғбек мадрасасининг оғиброқ қолган томонини тиклашда, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ансамблига кирувчи мақбараларни, Хўжа Аҳрор масжидидаги ганчкорлик ва кошинкорлик ишларини бажаришда ҳам кўп меҳнат қилди. Шунингдек, уста Ширин Муродов раҳбарлигида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Муқимий номидаги мусиқали театр ва бошқа бир қанча бинолардаги ганчкорлик ишларини аъло даражада бажарди.

Бибихоним ансамбли пештоқлари, равоқлари ва нилий миноралари сифатли қилиб тиклашда Асадовлар меъморчилик сулоласининг саккиз вакили — Мирумар аканинг укалари — Мирусмон ва Мирсаид, ўғиллари — Мирсодиқ, Абдураҳмон ҳамда жиянларидан тўрт киши иштирок этишди. Қувончли томони шундаки, Асадовлар сулоласининг ҳар бир аъзоси бир неча ҳунарни пухта эгаллаб олган. Шу сабабдан улар ғишт теришни ҳам, мармарни кесиб унга гул беришни ҳам, биноларга умумий сайқал беришларини ҳам ўзлари ҳеч қийналмасдан бажараверадилар.

Маълумки, рангли нақш билан безак бериш санъати қурилишдаги энг оғир ва мураккаб ишлардан саналади. Бундай «бўёқли гилам»нинг ҳар бир квадрат метрига 600 тага яқин унсур жойлашади. Қурилишларда катта тажриба орттирган уста Мирумар ака бундай нозик ишларни ҳам бутун сир-асрорини билади. Умуман олганда, Самарқанднинг бирор бир қадимий ёдгорлиги йўқки, Асадовлар сулоласининг қўлида қайта сайқал топмаган бўлса.

Халқ амалий санъатининг сермашаққат ва шарафли меҳнати устазодалар сулоласининг кекса вакили, жонкуяр уста Мирумар Асадовга шуҳрат келтирди. Мустақил республикамизнинг беш йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ бир гуруҳ меҳнат илғорларига, жумладан Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг машҳур устаси Мирумар Асадовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

Ҳозирги кунда Мирумар ака Асадов буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур қурдирган тарихий обидаларга сайқал бериш билан банд.

Биз Самарқанд меъморларининг кекса вакили ва сардори Мирумар Асадовни «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони билан самимий табриклаб, устага сиҳат-саломатлик ва бундан кейинги ижодий ишларига барака тилаймиз.

**Рашид БАЙТУЛЛАЕВ**



Она дунёни тебратар...

## ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМАНГ

Ҳурматли бош муҳаррир! Газетангизда Фазлиддин Аҳмедовнинг «Дориломон кунлар» сарлавҳаси остида чоп этилган мактубини ўқиб, қувондим. Хўп ичимдаги гапларни ёзибди. Дарҳақиқат, ҳар бир ота-онага фарзандлар ташвишини қилиб, эришган ютуқларидан қувониб юриш насиб этсин экан. Камина ҳам тўртта фарзандимни олий маълумотли қилиб, эл-юрт хизматига топширгач, кенжа ўғлим Ойбекжоннинг тақдири ҳақида ўйлай бошладим. Ойбекжон Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги милитсия академиясига ўқишга кириш ниятида эди. «Узунқулоқ гапларга қулоқ осма. Ўз билганингдан қолма» деб уқтирдим унга. Имтиҳонлар бошланиш арафасида, Бухородан, кўпчилик ота-оналар қатори биз ҳам Тошкентга келдик. Ўғлимиз имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, ўқишга қабул қилинганида севинчдан ўзимизни қўярга жой тополмадик. Имтиҳонлар кечган кунларда денг, академиядаги тартиб-интизомни кўриб қойил қолдик. Имтиҳон топшириб чиққан болаларнинг биротасидан ноҳақлик бўлгани ёки баҳосининг нотўғри қўйилганлиги ҳақида гап эшитмадик. Бунинг учун академия бошлиғи, милитсия генарал-майори Тожихоновга ва профессор-ўқитувчиларига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Қолаверса, юртдошларимга ҳар хил миш-миш гапларга ишониб, болалaрингизнинг қобилиятлари юзага чиқишига монелик қилиб, келажакларига тўсқинлик қилманг, демоқчиман.

**Исомжон РЎЗИЕВ**

Бухоро вилояти

## «МТ»: воқеалар, хабарлар

### «ОЛТИН ҲАЛҚА»

Бозор иқтисоди бизга кўп нарсаларни ўргатмоқда. Жумладан, реклама, яъни ташвиқот-тарғибот санъатини ҳам.

Бир кило колбаса ёки ярим кило сариёғ ва ёхуд бирон-бир хориж буюми илинжида соатлаб навбатда туришлар, туриш-турмуши билан инсон ғурурини топтайдиган «навбатга ёзилиб қўйишлар» даври назаримизда ортга қайтмас бўлиб ўтиб кетди. Бозор иқтисоди— маҳсулотлар мўл-кўллиги, талаб ва таклиф қонуниятининг амалга оша бориши эканига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳамма гап мана шу маҳсулотлар уммони ичидан кераклисини, табиийки, сифатли ва арзонроғини танлай билишда. Бу ўринда эса биз юқорида тилга олган реклама санъати иш беради.

Илло, айтишларича, ҳатто Ҳиндистонда бир кинони суратга олишга қанча кетса, унинг рекламасига ҳам шунча маблағ кетаркан.

Маҳсулотинг сифатли бўлса— уни ташвиқ қилганга нима етсин.

Асакада ишлаб чиқарилган илк ўзбек автомобилларининг 17 сентябрда старт олган «Олтин ҳалқа» автопойгаси эртага Тошкентда якунланади. «Дамас», «Нексия», «Тико» русумидаги машиналар автопойга мобайнида беш ярим минг километрдан кўпроқ йўл босадилар.

Бизнинг йўлларимиз ўзингизга маълум. Шундай йўлларданки машиналар «тахи бузилмай», ялтираган ҳолида ўтаркан, демак улар ўз сифатларини ўзлари намойиш қилмоқдалар. Балки шу сабаблидир вилоятларда бўлаётган учрашувларда юртдошларимиз «УзДЭУавто» машиналарига қизиқиш билан қарамоқдалар.

Асака машиналари халқаро майдонга ҳам чиқди. Куни кеча уларни Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида катта шодиёналар билан кутиб олишгани хусусида хабар олгандик. Яқинда эса Асаканинг 350 та машинаси Москвага юборилди. Навбатдаги катта партия ҳам экспортга тайёрлаб қўйилди.

Шу тарзда давом этаверса, тез орада Ўзбекистон машиналари у ёғи Саҳрои Кабирдан тортиб бу ёғи Фарангистонга ҳам етиб борса ажаб эмас...

### ҲАМКОРЛИККА НИМА ЕТСИН...

Кейинги пайтларда шу йил баҳорида ташкил этилган Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси фаолияти ҳақида матбуотда илиқ гаплар айтилмоқда, кунда бўлмасаям кунора жамғарма ҳақида ойнаи жаҳонда кўрсатувлар намойиш қилиниб турибди. Булар бежиз эмас, албатта. «Камолот» республика ёшларининг камолотли, комил инсонлар бўлиб етишувига ўз ҳиссасини қўшишга астойдил уринмоқда.

Айниқса, жамғарма ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида ҳар бир шаҳар ва туманларда иш ўринлари ярмаркалари ташкил этаётгани, бу ярмаркаларда хоҳловчилар бевосита ишга жойлашиш имкониятига эга бўлаётгани диққатга сазовор. Шунингдек, жамғарма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда маҳалла-кўй фаоллари билан ҳамкорликда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида жойларда бир қатор самарали тадбирлар ҳам ўтказмоқда.

«Камолот» жамғармасининг фаолият доираси жуда кенг. Бундай маҳобатли ишларни ёлғиз амалга ошириш мушкул, албатта. Шу сабабли ҳам жамғарма турли ташкилот ва корхоналар, ўқув муассасалари ҳамда ўзининг таъсисчи ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Мисол учун, яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси кенгаши билан тузилган ҳамкорлик шартномасига асосан Федератсия таъсисчи сифатида «Камолот»нинг Низом жамғармасига икки миллион сўм ўтказади. Аммо, Шартноманинг энг диққатга сазовор томони шундаки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси кенгаши ёшларни ва болаларни соғломлаштиришнинг ижтимоий кафолатларини таъминлаш учун уларни санаториялар, санатория-профилакториялар, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида, шунингдек болалар-ўсмирлар спорт мактабларида соғломлаштирилишига ўзининг ҳудудий бўлинмалари орқали ҳар йили икки юз миллиондан ортиқ сўм юбориб турадиган бўлди. Бундай баракали ҳамкорликка нима етсин!..

### ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

*Маълумки, октябр ойининг учинчи ўн кунлигида улуғ бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйи кенг нишонланади. Айни кунларда барча ташкилот-муассасаларда, ўқув юртларида, корхоналарда, умуман, ҳамма-ҳамма жойда ушбу улкан айёмга ҳозирлик кўрилмоқда.*

*Бу борада маънавият маскани бўлган вилоят ва туман театрларида ҳам бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.*

*Жумладан, Жиззах вилоятининг Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театри жамоаси оқсоқол ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг «Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири» драмасини саҳнага олиб чиқди. Асар режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов. Соҳибқирон ва Сулувкўз ролларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ғ. Йўлдошев ва Г. Ўринова ижро этмоқда.*

*Шаҳрисабз халқ театри Солижон Пўлатов асари асосида уч парда саккиз кўринишдан иборат «Оқсарой» спектаклини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.*

*Ургут туман халқ театри эса Соҳибқирон ҳаётининг сўнгги кунлари хусусида ҳикоя қилувчи спектаклни саҳнага олиб чиқдилар. «Сўнгги кеча» деб номланувчи ушбу саҳна асари муаллифи Фарҳод Аҳмедов...*

*Г. МУРОДАЛИЕВА*

Фалсафий гурунг

# МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ҒОЯСИ

*Ғоялар кишиларни жамиятга бирлаштиради, ғоялар кишиларни жамиятдан айиради.*
**Н. Бердяев**

Даврсиз ғоя бўлмаганидек, ғоясиз давр ҳам йўқ. Давр ғояни яратганидек, ғоя ҳам даврни яратади. Ҳатто айтиш мумкинки, даврни бетакрор, цивилизация тарихида ўчмас из қолдиришига ғоялар сабаб бўлади. Олмон файласуфи Фридрих Нитше, одамлар тарихга занжирбанд, улар қаерга чопса, тарих занжири ҳам ғояларга қўшилиб, улар билан бирга чопади, деган. Биз истаймизми, тан оламизми ёки йўқ, давримиз туғдирган ғоялар ўзига чорлайверади, ён-атрофимизга сингиб, ўйю хаёлимизни безовта қилаверади, натижада эса биз у ғояларга ўз муносабатимизни билдиришимиз шарт бўлади. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва миллий тикланиш ғояси ана шундай ғоялардан.

Ҳозир Ўзбекистон миллий тараққиёти ҳақида кўп мақолалар, тўпламлар ва китоблар эълон қилинмоқда, аммо улар орасида Ж. Туленов ва З. Ғафуровнинг «Мустақиллик ва миллий тикланиш («Ўзбекистон» нашриёти, 1996) китоби алоҳида ўрин эгаллайди, деб йўлаймиз.

Муаллифлар миллий тикланиш ғоясини Туркистонда яшаган қабила ва элатларнинг милоддан аввалги 104-101 йиллардаги Хитой, V асрдаги Эфталитлар, кейинчалик Эрон, Юнон-Македон, араб ва мўғул-татар босқинчиларига қарши олиб борган курашларига бориб тақаладиган тарихий ҳодиса сифатида ўрганишади. Бундай тарихий ёндошиш мавзуга бой манба беради, уни қизиқарли қилади. Деярли барча мавзуларда ўтган тарихий босқичларда юз берган воқеаларга, у ёки бу сабабларга кўра илдиз отган салбий ҳолларга баҳо берилади. «Мустақилликка, — деб уқтиради олимлар, — биз тасодифий равишда ёки бўлмаса осонликча эришганимиз йўқ. Унга халқимиз кўп йиллар давом этган жиддий ва машаққатли кураш эвазига эришди.»

Сиёсий мустақилликсиз миллий мустақиллик йўқ. Шунинг учун китобларнинг иккинчи боби сиёсий мустақиллик масалаларига бағишланган. Республикамизда давлат ҳокимиятининг шаклланиши, у амалга ошираётган демократик ўзгаришлар, кишиларимизнинг сиёсий онгини ошириш, давлат ва жамоат ишларида қатнашишни кенгайтириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинади. Янги ўзбек давлати буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига, ўтмишдаги бой анъаналаримизга, Туркий халқлар ва элатларни бирлаштириш интилишларига қурилаётгани очиб берилади. Ўлкамизда азалдан давлатни бошқаришнинг қонун-қоидаларига, давлат ички ва ташқи салтанат эгаларининг эса ўз фуқаралари олдидаги бурчларини сидқидилдан бажаришига амал қилинган. Файласуфлар, тарихчилар ва шоир-мутафаккирларнинг асарлари, шариат қонун-қоидаларида давлатчилик тизимининг инсонпарварлик мазмунига катта эътибор берилган, мансабдорларнинг олий инсоний фазилатлари давлат бошқарувининг асосий омили сифатида қаралган, салтанат ишларини саййидлар, уламолар, шайхлар, фозилу-фузалолар, оқилу донолар маслаҳатларига асосланиб бошқариш лозимлиги ўқтирилган. Муаллифлар Туркистондаги турли давлат бошқариш усулларини тадқиқ қилиб, уларда адолат, инсофу диёнатга мувофиқ иш тутиш устун тургани, етим-есир, бечора ва камбағал кишиларга ғамхўрлик билан қаралгани, бундай инсоний фазилатлар ҳозирги давр учун ҳам муҳимлигини кўрсатишади. Юсуф Хос Ҳожиб, Хондамир, Алишер Навоий, Мирзо Бобур асарларидаги салтанат эгалари ҳақида турли фалсафий, аҳлоқий қарашлар умумлаштирилиб, улар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмагани таъкидланади.

Миллий тикланишнинг асосий омилларидан бири ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал этиш, кишиларимизнинг бой-бадавлат яшаши, меҳнатига яраша ҳақ олиши, ўз дилига яқин тадбиркорлик ишларини олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратишдир. Республикамиз табиий ресурсларга бой ўлкадир. Улардан мамлакатимиз равнақи нуқтаи назаридан келиб чиқиб замонавий корхоналар қуриш, чет эллик сармоядорлик билан ҳамкорликда янги техника воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш давр талаби бўлиб турибди. Ўтган йилларда бозор муносабатларини жорий этиш, мулкчилик, тадбиркорлик, чет эл мамлакатлари билан савдо-сотиқ ҳақида келишиш, янги хўжаликлар — фермерлари билан корхоналар, фирмалар, тижоратда яшовчи бирлашмалар очишнинг қонуний негизларини яратиш борасида катта ишлар қилинди. Масалан, 720 минг гектарга яқин унумдор ерлар деҳқонларга муддатсиз шахсий фойдаланиш учун топширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, республикамиз иқтисодий негизини деҳқончилик ташкил қилади. Аҳолининг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига асосий эътибор қаратилиши, деҳқон қўл меҳнатини механизациялаштириш, янги-янги ишлаб чиқариш фоситалари ва усулларини жорий этиш кун тартибида турибди. «Қишлоқ меҳнаткашларига, — деб ёзади муаллифлар, — ишонч бағишлаш, уларнинг турмуш фаровонлигига алоҳида эътибор бериш, турмуш маданиятини ривожлантириш, деҳқон хонадонига ичимлик сув, табиий газ, ем-хашак, қурилиш материаллари етказиб бериш ва бошқа ўхшашлар шулар жумласидандир. Ҳозир қишлоққа тегишли устиворликни қайтариб бериш лозим. Адолатни тиклаш керак. Хўжаликларга кўпроқ эркинлик бериш, қишлоқда янгидан вужудга келаётган бозор иқтисодиёти тузилмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тараққиётнинг муҳим талабидир. Қишлоқларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг истиқболи ана шуларга боғлиқ» (112 бет).

Китобда миллий тикланишда бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларига ҳам алоҳида ўрин бағишланган.

Дунёда бозор муносабатларига ўтган ва юқори тараққиёт босқичига эришган давлатларнинг тажрибалари, тутган йўллари фалсафий умумлаштирилади. Бу давлатлар эришган ютуқлар бизга ҳаётий ўрнак бўлиши мумкин. Худди шунингдек, муаллифлар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат тутадиган мавқе, унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги ўрни масалаларига ҳам тўхталишади. Бу табиий. Давлатнинг йирик ташкилотчилик кучисиз бўлаётган жараёнларни оқилона бошқаришсиз иқтисодий ҳаётни йўлга қўйиш мумкин эмас. Фақат давлатгина бўлаётган ўзгаришлар ижобий натижаларга олиб келишига кафолат бериши мумкин. Бироқ бозор муносабатларига ўтиш ягона мақсад эмас, у восита холос. Бозор иқтисодиётига ўтишдан тутган «провард мақсадимиз, — деб тўғри кўрсатади муаллифлар, — инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган моддий шароитларни яратишдан юборатдир» (134).

Тўртинчи бобда олимлар маданий-маънавий масалаларни тилга олади. Мустақиллик мураккаб жараён, у одамлар онги, дунёқараши, одоб-ахлоқи, иймон-эътиқоди, билим-савияси ва руҳияти, бир сўз билан айтганда, маданияти ва маънавияти билан бевосита боғлиқ. Маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг шаклланишида энг аввало меҳнат, ватан, эл-юрт равнақи учун қилинадиган ижтимоий меҳнат ётади. Бу хислатни шакллантириш ҳам узоқ жараённи, сабр-тоқат билан тарбиялашни тақозо этади. Кишининг маънавий қиёфаси ота-боболари яратган миллий қадриятларни сақлаш, уларга ҳурмат билан қараш, она тилини қунт билан ўрганиш, маданий бойликларни кўпайтириш ҳақида қайғуриш каби фазилатларда акс этади. Айниқса ёшларни халқ маданияти ва ижоди дурдоналарини ўрганиш, узоқ замонлардан бери авлоддан-авлодга, асрдан-асрга ўтиб келаётган халқ ижоди ва санъати турлари борки, уларни севмасдан, фахрланиб тарғиб қилмасдан туриб миллий тикланиш ғояси тарафдори бўлиш қийин. Муаллифлар халқ азалий санъати, меъморчилик, халқ мусиқаси ва рақси, қўшиқчилик, оғзаки ижод турлари, халқ поэтикасидан яхши хабардор бўлишни ёшларни тарбиялашнинг зарур шартлари сифатида қайд этишади.

Китобнинг ижобий томонларидан бири миллий мустақиллик мафкурасини ҳаётга жорий этиш йўллари ҳақидаги бобдир. Муаллифлар миллий истиқлол мафкурасини ижтимоий онгнинг бир кўриниши сифатида қараб уни ҳаётга жорий этиш, ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзига айлантириш барча ижтимоий-маданий ва тарбиявий муассасаларнинг маънавий бурчидир.

**А. ВАЛИЕВ, ЎзФА мухбир аъзоси,**
**В. АЛИМАСОВ, педагогика фанлари номзоди**

# ҲАЙДАРБЕКНИНГ КЎК ОТИ...

Ҳар кун тонг бу ер неча юзлаб ўғил-қизларнинг жарангдор овози билан жонланади. Фарзандлар маърифат нуридан, табиат ва инсоният қонуниятлари ҳамда сирларидан воқиф бўлиб, оламга ёруғ кўз билан боқишни ўрганиб, ҳаётга дадил кириб боради. Ҳар тонг неча юзлаб болаларни бағрига чорлаган бу маскан Жиззах ноҳиясидаги Ҳайдарбек Абдужабборов номидаги 7-ўрта мактаб.

Маҳалла-гузар, мактаб педагогика аҳли, ота-оналар ва ўқитувчилар номини улуғлаб, мактабга берган бу кимса ким? Унинг қай хусусиятлари ва қай хизматлари элга манзур?

Жиззахнинг етти ёшидан етмиш ёшигача билган бу одам шу Етимтоғ қишлоғида 1898 йилда камбағал чилангар оиласида туғилиб вояга етган, қирқ йиллик қисқагина умри давомида эл қайғуси билан яшаган, ватандошлари оғирини енгил қилиш йўлида кучини аямай хизмат қилган Ҳайдарбек Абдужабборовдир.

Ҳайдарбекни ҳаёт она каби суйиб, ардоқламади — тўлиқ косасини унга насиб этмади. Етимтоғ қишлоғида қўли гул, уста чилангарлиги билан ҳам донғи кетган Абдужабборнинг боши камбағалликдан чиқмади. Ўзи хат-саводсиз бўлгани учун ўғлини илмдон қилишни орзу қилган эди. Шу ният билан у Ҳайдарбекни Самарқанд шаҳридаги рус-тузем мактабига ўқишга берди. Лекин орзуси дилида кетди — ўғлини оёққа қўйишга улгурмай ҳаётдан кўз юмди.

Ҳайдарбек ўн олти ёшида етим қолиб ҳаётдан ўз йўлини излади. Ўқиш қайда? Отаси вафот этиб, онаси, укаси ва синглиси унинг қарамоғида қолган эди — энди у оилани бошқариши, рўзғор тебратиши керак эди. Юртини ўрис подшоҳ сўраб турган бир пайтда, ўрис тилини ўрганмаганнинг куни ўтмаслигини англаб етган бўлса керакки, отаси Ҳайдарбекни Жиззахдан неча юз тош наридаги мактабда мусофирчиликда ўқитаётган эди. Мана энди ўрис тилини билиш Ҳайдарбекка қўл келиб, ўн етти ёшида Жиззахда қозихонада иш юритувчи бўлиб ишлай бошлади.

1916 йил. Жиззах тарихида қонли йил.

Юзлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган, неча-неча гўдакни етим қолдирган Жиззах қўзғолони тарих китобларига рақам қилинган-ким — уни ҳамма билади. Ёш, ғайратли, оқ-қорани таниган Ҳайдарбек бу қўзғолонда фаол қатнашди ва бу йиллар унинг келажак ҳаёт йўлига асос солди.

Не-не кунларни кўрмади Ҳайдарбек Абдужабборов. Унинг 1923 йил 19 июнда област ижроия комитети раиси ўринбосари бўлган чоғида ёзган ижтимоий чиқишида қуйидаги сўзлар бор:

«...1919 йил декабрида Жиззах уезди шаҳар ижроқўми раиси муовини қилиб сайландим. 1920 йил февралида эса раис қилиб сайладилар. Шу йилнинг май ойида ишдан четлатилиб, туҳмат билан миллатчиликда ва порахўрликда айбланиб қамоққа олиндим, 1920 йилнинг октябр ойига бориб, револютсион трибунал суди тарафидан оқландим...» «Бир тери остида қўй неча семириб неча озади» деганлари шу эмасмикан...

Дейдиларки, Ҳайдарбек кўкка сапчийдиган кўк саманни йўрттириб ўтганда Жиззах болалари гала-гала бўлиб унга эргашарканлар. Улар Ҳайдарбекка эргашиб ўшандай қўрқмас эл-юрт кишиси бўлишни орзуларканлар. Оғиздан оғизга ўтиб, ҳар гал ҳар хил ранг олган Ҳайдарбек ҳақидаги қўшиқларни болалар баралла куйлашаркан...

***Ҳайдарбекнинг кўк оти,***
***Кўкка қараб кишнайди.***
***Ҳайдарбек иш бошласа,***
***Занг кўнгиллар яйрайди.***
***Ҳайдарбек омон бўлсин,***
***Кўк отга қанот битсин...***

Ҳайдарбек Абдужабборов 1925 йил февралидан 1927 йилнинг 31 январига қадар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссари вазифасида ишлади. У Республика Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигини бошқарган қисқагина вақт ичида тиббиёт соҳасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Бу вазифани бажаришда унга раҳбарлик ишларида тажрибаси ва ташкилотчилиги қўл келди. Яна бир томони борки, бу ишлар, албатта, ёлғиз халқ комиссарининг ишигина эмас, балки халқнинг, республикадаги соғлиқни сақлаш жонбозлари, фидойиларининг кучи-ғайрати самараси эди.

Республикамиз Марказий ҳужжатгоҳи маълумотлари орқали тарих саҳифаларимизга назар ташласак, ўша 1925-1926 йилларда Ўзбекистонда ўн биттагина касалхона, 15 докторлик ва 12 фелдшерлик тиббиёт пункти очилган. Шуларнинг очилганлиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатилаётганлигининг ўзиёқ ниҳоятда муҳим эди. Ўша йиллар Янги Урганч, Шаҳрисабз, Шеробод, Ғиждувон, Нурота, Сулукта, Конибодом, Чимёнда касалхона қурилган, Тошкент ва Фарғонада электр билан даволаш шифохонаси, Жиззах ва Қўқонда амбулатория қурилган. Дорихоналар очилган.

Қанча маблағ, қанча куч, қанча ғайрат ва шижоат талаб этган бу ишлар! Ҳайдарбеклар қанчалар қувонишган экан қилган хизматларининг самарасини кўриб! Қанчалар севинишган экан ўша шаҳар ва қишлоқ аҳиллари!

Ҳайдарбек халқ соғлиғи учун қайғуриб юрган ўша кезлар Ўрта Осиёда миллий чегараланишлар эндигина ниҳоясига етган чоқларга тўғри келди. Оғир эпидемия оқибатларини тугатиш, тепкили ва қайталовчи тиф эпидемиясини бартараф этиш, бошқа касалликларни тарқалиши олдини олиш, аҳоли яшайдиган қишлоқларнинг санитария ҳолатларини яхшилаш керак эди. Демакки, бутун республика аҳолисининг санитария маданиятини кўтариш борасида катта ишлар қилиш зарур эди. 1925 йилда республика бўйича 339 врач хизмат қилган эди. 1924 йил январида республикамизда бир врачга 13000 аҳоли тўғри келди.

Худди шу йилларда республикамизда А. П. Федченко ва А. М. Исаевнинг жонбозлиги ва фидойилиги билан ришта касалигига қарши катта кураш борди. Бу кураш 1925 йилларга келиб анча муваффақият қозонди.

Азрўй азалдан юртимизда безгак касаллиги унга чалинган беморларнинг аксариятининг ёстиғини қуритади. Таниқли безгакшунос олим В. В. Фавр: «Вабо, тоун каби одатда биз хавотирланадиган касалликлардан ҳам безгак даҳшатлироқ», деб бежиз айтмаган. Кўз олдингизга келтиринг, эрта кўкламдан то кузгача меҳнат қилиб, ҳосилини йиғиштиришга келган деҳқонни безгак тутиб йиқитади — иситмалаб оташдек ёниб, музлагандай қалтираб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолади. У ёлғиз эмас. Бутун қишлоқ шу аҳволда. Ҳосил ёғин-сочинда қолиб кетади. Бу халқнинг шўри эди.

Хуллас, безгак меҳнаткаш учун бошга тушган бир бало бўлган — ёшни ҳам, каттани ҳам аямаган. Бу дард деҳқонни ҳам, ишчини ҳам ҳолдан тойдирган. Шу сабабли ҳам бу касаллика қарши қаттиқ кураш бошланган ва бу курашга Ўзбекистон тропик медитсинаси институти директори Л. М. Исаев раҳбарлик қилган.

Риштага қарши кураш борган 1926 йилда Бухорода бир ярим мингдан ортиқ одам кўрикдан ўтказилди. Бухорода медитсина билим юрти талабаларидан иборат риштага қарши кураш отрядлари тузилиб, улар уйма-уй юриб ришта билан касалланганларни ҳисобга олдилар. Натижа яхши бўлди. Бу кураш яна беш-олти йил давом этди...

Ҳайдарбек йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Давлат Суғурта бошқармасида, Тожикистонда молия вазири бўлиб ишлади, 1929-1932 йилларда Москва саноат академиясида ўқиди, айни пайтда Тожикистоннинг Москвадаги Мухтор элчиси вазифасини ўтади. Академияни тугатгач уни Тошкентда тўқимачилик комбинати қурилишини бошқаришга ва муҳандисликка йўлладилар ва бу ерда ҳам ғайрат ва шижоат намуналарини кўрсатди.

Ҳайдарбек Абдужабборовнинг кейинги йиллардаги ҳаёти шахсга сиғинишнинг тўс-тўполон, тўфонли йилларига тўғри келди — ўрмонга ўт кетиб, ҳўлу қуруқ баробар ёнаётган чоқлар эди, шундай улуғ инсон қатлиом тегирмонига тушди. Уни ўн йил муддатга каторгага ҳукм қилдилар.

Унинг уч фарзанди — бир ўғил ва икки қизи ҳам тараф-тараф қилиниб, қувғинга солинди.

Орадан йиллар ўтгач, унинг севимли рафиқаси Чинни Жабборова не-не қийинчиликлар билан қизлари Муяссар ва Муқаддамни Москва қамоғидан қутқариб юртига олиб келишга муваффақ бўлди. Шунча қийинчиликлардан кейин ҳам қизлари илм олишга интилдилар — катта қизи Муяссар доктор бўлди, кичик қизи Муқаддам ўқитувчи бўлиб, ўша отаси қурдирган мактабда қирқ йил дарс берди. Миллат учун қанча ибрат бор бу тақдирларда!

Ҳақиқатдан, бутун инсонни нимталаб бўлмас экан!

Ҳужжатгоҳлар шундай — неча-неча йиллар муқаддам оламда яшаб ўтиб кетган не-не шахсларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўлининг шаҳодатномасини қўлингизга тутади. Ҳайдарбек Абдужабборовнинг қизи Муқаддам Аббосованинг сўровига 1957 йилнинг 16 сентябри куни шундай жавоб жўнатилган: «...Маълум қиламанки, Ҳайдарбек Абдужабборовни айблаш иши 1957 йилнинг биринчи августида қайта кўриб чиқилди. Ҳарбий Коллегиянинг 1938 йилнинг 8 октябридаги ҳукми, янги маълум бўлган ҳолатларга кўра, жиноят состави бўлмаганлиги сабабли Ҳ. Абдужабборов ўлимидан сўнг оқланган...»

«Ўлимидан сўнг оқланган...» Бу сатрларни ўқиганингда қалбинг ларзага тушади. Эсиз, айбсиз айбдор саналиб, кафансиз ва жанозасиз кетган ватандошларимиз...

Ўзбек халқи ўзининг Ҳайдарбек каби миллатпарвар фарзандлари номини эъзозлайди, абадиян эсда сақлайди.

Халқимизнинг донолиги у айтган ҳар бир сўзининг мазмунида ўз аксини топади. Эл суйган фарзандини одатда: «Ўзингдан кўпайгин» деб алқайди. Ҳайдарбек Абдужабборов ҳам бу дуодан баҳраманд бўлганлардан. У қирқ ёшида истибдод қурбони бўлиб кетган эса-да унинг фарзандлари ота изидан бориб илмли бўлдилар, эл хизматига бел боғладилар. Унинг қатор-қатор набиралари вояга етиб, ҳаётдан ўз ўринларини топдилар. Улар боболари Ҳайдарбек авлодидан эканликлари билан фахрланибгина қолмай, элга худди боболари мисол хизмат қилиш иштиёқида яшайдилар.

Ҳаёт ҳамма нарсадан кучли. Яшаш, яшартириш иштиёқи Ҳайдарбек Абдужабборов авлодларини фаолликка ундайди. Улар лоқайд турмадилар. Унинг фарзандлари Ҳайдарбекнинг умри завол топган Магадан юртига бориб, унинг тупроғидан келтириб, ярим асрдан ортиқ вақтга чўзилган азани поёнига етказдилар — 1992 йилнинг 12 августида унинг Магадандан келтирилган ҳокини ерга қўйиб, ёдгорлик ўрнатдилар. Бу мангу маскан атрофи ҳамма вақт гавжум. Бундан олтмиш йил олдин Ҳайдарбек очган мактабда илм-маърифат нуридан баҳраманд бўлган етимтоғликларнинг набираю-абиралари йилнинг уч фасли — кўклами, ёз ва кузда ҳар тонг ёдгорлик пойига гуллар қўйишади. Қандай топиб айтилган сўзлар-а: «Яхшилик қилу дарёга ташла — балиқ билар, балиқ билмаса — холиқ билар!» Бундан олтмиш йил муқаддам Ҳайдарбек Абдужаббор ўғли қилган бир яхшилик ҳамқишлоқлардан унга минг яхшилик бўлиб қайтаётир.

Жиззах шаҳрида, Етимтоғ этагида Ҳайдар Абдужабборов номида маҳалла бор. Бу маҳаллада шу номда ўрта мактаб ва Ҳайдарбек Абдужабборов музейи ишлаб турибди. (Бу музейга унинг куёви Ўруш Аббосов мудирлик қиляпти). Бундан ташқари Самарқанд ва Жиззах шаҳридаги кўчалардан бирини унинг номига қўйдилар, Пахтакор районидаги боғдорчилик совхозларидан бири, Жиззахдаги 1-поликлиника унинг номи билан аталади. Эндиликда унинг номи элдошлар дилида, кунда неча-неча бора тилларда такрор жаранглайди.

**Холида АҲРОРОВА**

# СИЁСАТ МАСЪУЛИЯТ ВА МАДАНИЯТ ДЕМАКДИР

**Боши биринчи бетда**

Лойиҳанинг 1-моддаси «Сиёсий партия тушунчаси»га бағишланган. Афтидан мазкур тушунчада мақсад маъниси ҳам йўқ эмас. Яъни сиёсий партия мақсади. Сиёсий партия мақсади ҳақида баҳс кетганда, баъзилар мақсадни ҳокимият учун кураш билан боғласалар, бошқалари буни инкор этадилар. Бизнингча, сиёсий партиянинг асосий мақсади фақат ҳокимият учун олиб бориладиган курашдан иборат эмас. Ҳокимият партияга ўз мақсадларини амалда рўёбга чиқариши учун керак. Партиянинг асл мақсади эса миллат ва давлат мақсадларидан ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас. Партиявийликнинг мазмуни ҳам худди ана шу миллий ва давлатий мақсадларни амалга оширишда ўзига хос, бошқа партиялар дастуридан фарқли ўлароқ сиёсат юргизиш, сайловчиларни шунга ишонтириш ва қўлга киритилган ҳокимият имкониятларидан яна ўша бош мақсадни ҳаётга татбиқ қилишда сиёсий етакчилик қилиш билан белгиланади. Энг муҳими, ҳокимият сари интилишда партия давлат билан курашмаслиги лозим. Зеро давлат ҳамманики ва ҳар биримизники. Партия миллий мақсадларни изчил равишда амалга ошиб боришида юз берадиган турли-туман тўсиқлар, муаммолар, янглишмовчиликларга қарши курашади. Бу тактиканинг энг ижобий томони шундаки, шундай сиёсат юритган партия ҳатто ҳокимиятга эриша олмаса ҳам, бироқ мазкур жараён давомида ўзи билиб билмаган ҳолда жамият ва давлатга ижобий хизмат қилади, уларни мустаҳкамлайди. Аммо шу даражага етишмоқ учун энг аввало партиянинг, айниқса унинг етакчи кучларининг ўзлари замонавий жараёнга тўғри баҳо бера оладиган, кечаги кундан хабардор, эртанги кун манзарасини тўғри чиза оладиган салоҳиятли, миллатга содиқ ва давлатпарвар бўлмоқлари керак. Акс ҳолда партиявийликдан миллатга фойда чиқмайди. Тўғри, умуман партиялар тузилавериши мумкин. Лекин улардан муайён бир шахслар ё гуруҳлар (сиёсий, иқтисодий, мазҳабий) манфаатларини рўёбга чиқариш қуролига айланиши ҳеч гапмас. Ё бўлмаса қуруқ соя учунгина партиявийлик касб этиб, миллатда, айниқса янги авлодда партиявийликка нисбатан лоқайдлик туғдириб, улардаги маъсулият ва маданиятни ўлдириши мумкин. Бундай шароитда партиявийлик кураши фикрлар, ташаббуслар, қарашлар, ғоялар, амалий ишлараро рақобатга эмас, балки тор доираларнинг ўзаро курашига айланиб кетиши мумкин. Худди шу сабаб ҳам биз қонуншуносларимизга ушбу лойиҳага «Муқаддима» киритиб, унда сиёсий партиявийлик мақсади ҳақида миллатимиз манфаатларидан келиб чиқадиган фикрлар берилишини таклиф қиламан.

Яна 1-моддадаги «қизиқишлари» сўзини «манфаатлари» билан алмаштириш тарафдоримиз. Лойиҳани ўқиб бизда шундай тасаввур ҳосил бўлдики, аввал бошдан у русча тузилган ва сўнг ўзбекчага таржима қилинган (?). Агар гумонимиз тўғри бўлса, у ҳолда русчадаги «интересы» бу ерда «манфаатлар»га тўғри келади. Амалда ҳам шундай. Зеро сиёсий партия умум мақсадларга нисбатан қарашларни амалга оширишдан манфаатдорлик асосида ҳам ўз сафини кенгайтиради. Шу маънода партиявийликда манфаатдорлик масаласи ҳам муҳим ва қизиқ. Зеро олий мақсадларни рўёбга чиқаришдаги умумий қарашлар омилидан шахсий, маслакий, уюшмавий манфаатларни амалга оширишда фойдаланиш жараёнини тўхтатиб бўлмайди, унинг моҳиятини дарров пайқаб олиш ҳам қийин. Шунинг учун мазкур лойиҳа муҳокамаси баҳонасида партиявийликдаги манфаатдорлик мавзуйида давра суҳбатлари, мунозара ва баҳслар, алоҳида чиқишлар уюштириш лозим деб ҳисоблайман.

Шунингдек, лойиҳанинг кўпчилик моддаларида учровчи устав, орган каби сўзларни ўз тилимизда мавжуд низом, идора кабилар билан алмаштиришни лозим деб биламиз. Чунки бу ҳам ўзига хос маданият ва масъулият белгисидир.

6-моддада ташкилий қўмита аъзолари сонининг 50 дан кам бўлмаслиги ва бу қўмита тузилгандан кейин узоғи билан уч ой муддатда фаолият кўрсатиши мумкинлиги айтилади. Бунга қаршилик йўқ. Лекин нима сабабдан 50 киши ва уч ой, нега 30 ёки 70мас, ё икки ой ёки ярим йилмас? Шу ҳақда лойиҳа муаллифлари тушунтириш берсалар, асосласалар.

12-моддага «Партия кучи билан тайёрланган қонунлар лойиҳаси қонун чиқарувчи давлат идораларига муҳокамага тақдим этилиши» ҳуқуқи ҳам киритилса.

16-моддада «давлат органларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан... маблағ ва бошқа мол-мулк олиш тақиқланади» дейилган. Шу ерда аниқлик киритилиши лозим: умуман корхоналар, муассасалар, ташкилотларданми ё фақат давлатникиданми? Зеро хусусий корхона эгаси ўз мулки ё маблағидан ўзи аъзо ё хайрихоҳ партияга хайрия қилиши мумкин. Шунинг учун мазкур бандни «давлат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан» тарзида беришни таклиф қиламан.



Ширинмисан, гулшанмисан, лобармисан,
Ўзгалардан юрагимни олармисан?!.

# СОҲИБҚИРОННИНГ АМЕРИКАЛИК ТАДҚИҚОТЧИСИ

*Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида асрлар давомида турли тилларда юзлаб илмий асарлар ёзилган. Айтиш мумкинки, инсоният тарихидаги энг улуғ сиймолардан бири бўлмиш бобокалонимиз фаолияти ва у бунёд этган азим салтанат тарихини ўрганиш аллақачон мустақил фан даражасига кўтарилган. Бугунги кунда ҳам Амир Темур даври тарихи ва маданияти жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида кенг миқёсда тадқиқ этилмоқда. Кўпгина мамлакатларда темуршунослик фанининг бир қанча етук мутахассислари, баржаста устозлари бордир. Масалан, Францияда Люсен Керен, Туркияда Исмоил Оғо, Германияда Телман Нагел, Эронда Абулҳусайн Навойи, Ҳиндистонда Сайид Жамолиддин таниқли темуршунослардирлар. Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин.*

*Амир Темур тарихига оқёнус ортидаги мамлакатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатларида ҳам қизиқиш катта. Америка олими профессор Волтер Фишел, «Амир Темур ва Ибн Халдун» китобида ўз даврининг икки улуғ сиймоси мулоқоти ва суҳбатларини чуқур тадқиқ этиб, Ибн Халдун хотираларининг танқидий арабий матни ва инглизча таржимасини нашр этди. Сўнгги тадқиқотлардан профессор Жон Вудснинг «Темурийлар даври тарихнавислиги» ва «Темурийлар сулоласи» илмий рисолаларини тилга олиш мумкин. Иккинчи рисолада Амир Темурнинг юзлаб авлодларининг номлари ва шажаралари қўлёзмалар ғоятда кам сақланиб қолган «Муиз ал-ансоб» номли темурийлар шажарасига оид ноёб асар маълумотлари асосида келтирилган.*

*Америкада яна бир қатор етук мутахассислар мазкур соҳада самарали илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бостон шаҳридаги Ҳарвард университети профессори Беатриса Форбес Манз хонимни бугунги кундаги Америка темуршунослик фанининг устози десак, янглишмаган бўламиз. Олиманинг кўп йиллик изланишлари натижаси бўлган «Амир Темур мероси», «Темурийлар сулоласи сиёсатида аёлларнинг роли», «Темур давлати вилоятларида маъмурий ҳокимият» ва яна бошқа бир қанча тадқиқотлари обрўли илмий журналларда нашр этилиб, ҳамкасбларининг юқори баҳосига сазовор бўлган. Б. Ф. Манзнинг ўз ватанида етакчи темуршунос сифатида эътироф этилганини шундан ҳам билиш мумкинки, 1987 йилда Нью-Йоркда нашр этилган, «Осиё тарихи» қомуси учун «Темур», «Темурийлар» каби мақолаларни ёзиб бериш унга топширилган. Шунингдек, у бошқа илмий қомуслар учун Мироншоҳ, Шоҳрух, Гавҳаршод, Клавихо, Мирхонд ҳақидаги мақолаларни ёзиб берган. Беатриса хонимнинг инглиз тилидан ташқари француз, немис, рус, форс, турк тилларини мукаммал ва араб тилини қисман билиши, албатта, илмий тадқиқотларининг самарали ва пишиқ-пухта бўлишига катта ёрдам берди.*

*Профессор Б. Ф. Манзнинг чоп этилган илмий ишлари орасида «Амир Темурнинг ҳокимиятни эгаллаши ва ҳукмронлиги» номли жиддий ва салмоқли тадқиқоти алоҳида ажралиб туради. Унинг ушбу китоби 1989 йилда Англияда Кембриж университети нашриётида нашр қилинди. Китоб асл манбалар ва турли тиллардаги замонавий илмий тадқиқотларга таяниб ёзилган. Унинг дастлабки бобларида Амир Темур сиёсий фаолияти бошланиши арафасида Марказий Осиёдаги феодал тарқоқлик ва ўзаро ички низолар яққол кўрсатиб берилган. Бу минтақада марказлашган давлат барпо этиш ва уни муқаррар ташқи тажовуздан омон сақлаш тоғни талқон қилиш каби бир мушкул иш эди. Асарда Амир Темур ўзининг тўғри сиёсати ва улкан хизматлари туфайлигина бунга эришгани таъкидланади.*

*Муаллифни соҳибқироннинг ҳарбий юришлари кам қизиқтиради. У асосан Амир Темурнинг мамлакатни марказлаштириши, давлатни идора этиш усуллари, ҳарбий ва хўжалик соҳасидаги ислоҳотлари, давлат арбоби сифатида улкан ютуқларга эришиши масалаларини тадқиқ этади ва бу борада жиддий фикр-мулоҳазаларни баён қилади. Қисқаси, асар марказида улуғ соҳибқирон шахсияти ва унинг давлатчилик сиёсати туради. «Амир Темур ҳаёти тавсифидаги энг ҳайратланарли нарса бу унинг фавқулодда ақлидир, — деб ёзади олима ўз китобининг «Амир Темур шахсияти» бобида. — У энг аввало ақлли сиёсатчи ва моҳир ҳарбий стратег, зафар қозониш ва ўз сафдошлари садоқатига эришишга қобил, улар орасида иш олиб бориб юқори даражадаги сиёсий тизимни бунёд қилиш ва мисли кўрилмаган миқёсда фотиҳлик юришларини амалга оширишга қодир шахс эди. У савдо, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалигининг аҳамиятини равшан тушунар ва бу соҳалар тараққиёти учун чоралар кўрар, ҳарбий юришлар пайтида вайрон бўлган шаҳар ва вилоятларни тиклаш ишига ҳатто ўз армиясини жалб қиларди... У туркий ва форсий тилларда ҳайрон қоларлик даражада маълумотли эди. Унинг ҳукмронлиги даврига оид манбалар Темурнинг тиббиёт, астрономия, айниқса турк, форс ва араблар тарихига доир билимлари ниҳоятда чуқур бўлганини эътироф этишади. Олимлар билан мунозара қилишдан у чексиз завқ олар, кўпгина масалаларда ғолиб чиқарди. Темур ҳақидаги холисона манбалардан бирининг муаллифи Ибн Халдун унинг ҳассос ақли ва ҳар бир масала муҳокамасида далил-исботни севишини қайд қилган».*

*Албатта, китоб айрим баҳсли фикр-мулоҳазалардан ҳам холи эмас ва бу ҳол табиийдир. Чунки темуршунослик тобора тараққий этиб, янги-янги марраларни эгаллаб бораётган фан. Келгусида айрим жумбоқлар ва мунозарали масалалар ҳам ўз ечимини топар. Зеро, муболағасиз айтиш мумкинки, ҳазрат соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан эндиликда қарийб бутун жаҳонда бу соҳада қизғин тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хорижий мамлакатларда ҳам улуғ ҳукмдорнинг инсоният учун қилган улкан хизматлари ва унинг серқирра фаолиятида ижобий жиҳатлар устивор бўлганини илмий асосда эътироф этаётган олимлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолдир.*

*Соҳибқирон Амир Темур барча нарсадан азиз кўрган энг олий саодат — Ватан истиқлолига мушарраф бўлган биз авлодлар улуғ бобокалонимизга бағишлаб хорижда яратилаётган илмий тадқиқотларнинг ҳам энг муҳимларидан хабардор бўлмоғимиз жоиздир. Қуйида атоқли америкалик олима профессор Беатриса Форбес Манз китобидан Амир Темурнинг ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ўлкадаги ички низоларга барҳам бериш ва мамлакатни марказлаштириш учун олиб борган кураши ва сиёсати ўзига хос равишда тасвирланган «Амир Темур — Чиғатой улуси[1] ҳукмдори» бобини қисқартирилган ҳолда ҳурматли ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз.*

*Ғулом КАРИМ,*
*Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими.*

# ДУРДОНАЛАР ИЧИДА

Матншунослик, манбашунослик тадқиқотчидан катта билим, заковат, сабр-тоқат ва ниҳоятда синчковликни талаб қиладиган соҳалардир. Бизда бу соҳаларни етук эгаллаган олимлар унчалик кўп эмас. Қўқонлик Аҳмаджон ака Мадаминов ана шундай олимлар сирасига киради.

Ўз иш фаолиятини тил ва адабиёт ўқитувчиси сифатида бошлаган А. Мадаминов мумтоз адабиётимизга бўлган муҳаббати туфайли 1961 йилда Қўқон адабиёт музейида кичик илмий ходим сифатида илмий изланишга киришди. Ўша пайтлар бу музей Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли бўлганлиги учун республиканинг кўзга кўринган шарқшунос, адабиётшунос олимлари билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туришга тўғри келарди. Солиҳ Муталлибов, Порсохон Шамсиев, Ҳамид Сулаймон сингари устозлар билан кечган мулоқотлар Аҳмаджон аканинг матншунос, манбашунос сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Олим ўзи ишлаб турган Адабиёт музейининг ноёб экспонатлар, нодир қўлёзмалар билан бойитилишига астойдил ҳаракат қилди. Музейнинг ўша пайтдаги директори Солижон Йўлдошев билан Аҳмаджон Мадаминовнинг фидойиларча меҳнатлари туфайли ҳозирги кунда музей жамғармаси республикамиздаги йирик қўлёзма хазиналаридан бирига айланди.

А. Мадаминов 60-йиллардан бошлаб республикамиздаги нуфузли илмий журнал ва тўпламларида адабиётшунослик, хусусан, манбашуносликка оид илмий мақолалари билан қатнаша бошлади. Айниқса, унинг профессор Ҳамид Сулаймон раҳбарлигида XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон адабий муҳитида нашъу намо топган шоир Узлат ҳаёти ва ижодига оид олиб борган тадқиқотлари самарали бўлди. Бу илмий изланишларнинг натижаси сифатида А. Мадаминов 1972 йилда «Узлат ва унинг лирик мероси» мавзусидаги диссертатсиясини муваффақиятли равишда ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Баъзи олимлар диссертатсия ёзиб, ёқлаб, бирор илмий даражага эга бўлганларидан сўнг, илмий ишга нисбатан лоқайдроқ бўлиб қоладилар. Гўё диссертатсия ёқлангач, ҳамма илмий муаммолар ҳал бўлиб, оламда иш қолмагандай. А. Мадаминовнинг 35 йилдан ошиқ илмий фаолиятига назар солсангиз, олим тинимсиз изланиш, кашфиётлар қилиш йўлидан борганини кўришингиз мумкин. Айниқса, олимнинг Қўқон адабий муҳити намояндалари адабий меросини тўплаш ва халққа етказиш борасидаги ишлари самарали бўлди. Амирий, Нодира, Узлат, Кулфат девонларининг ноёб нусхалари, Муҳсинийнинг ахлоқ, тиб, тарих, тикувчиликка оид «Риёз ул-аном», «Ҳашт беҳишт», «Мунтахаб ут-таворих», «Рисолаи ҳайётий» (дастхат), Маҳмуд ҳаким Яйфоний девони, «Қонун ул-илож», «Тариқ ул-илож», «Мужарработи Маҳмудий», «Хуллас ут-таворих» асарлари, Гулханий ва Рожий Хўқандий «Зарбулмасал»ларининг учтадан қўлёзмаси, Қорий Хўқандий девони (дастхат), Маҳмур, Муқимий, Фурқат, Завқий, Нисбатий, Зорий, Писандийларнинг 150 дан ортиқ шеърлари, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий девонининг 1915 йилда Қўқонда кўчирилган нусхаси, Чархий, Носир Саид, Фироқий, Таҳайюр сингари шоирларнинг архивлари Аҳмаджон аканинг машаққатли илмий изланишлари натижасида қидириб топилиб, музей хазинасидан муносиб жой олди. Олим ўз тадқиқотларининг натижалари ҳақида адабий жамоатчиликни мунтазам равишда хабардор қилиб келмоқда. Уларнинг сони ҳозирги кунда 200 дан ошиб кетган. Бугунги кунгача Аҳмаджон Мадаминов жами 45 нафар шоирнинг жамоатчиликка номаълум бўлган 276 та асарини эълон қилди. Олим ёзган ва нашрга тайёрлаган нарсалар илмий жиҳатдан пухталиги, хатосизлиги билан алоҳида ажралиб туради. У нашрга тайёрлаш жараёнида манбаларни, луғатларни қайта-қайта синчиклаб кўриб чиқишдан эринмайди. Бошқа тадқиқотчиларнинг ҳам шу йўсинда иш олиб боришини истайди. Матбуотда ва мумтоз шоирларимиз асарларининг нашрида бирор сўз ёхуд ибора нотўғри босилган бўлса, қаттиқ ранжийди. Бу куйинчаклик устознинг қон-қонига сингиб кетган. Шогирдларига доимо манбаларга нисбатан ҳалол муносабатда бўлишни, уларни қалбакилаштирмасликни таъкидлаб келади. Шу ўринда бир мисолни келтириб ўтиш фойдадан холи эмас. 1980 йилнинг бошларида республикамиздаги бир қанча марказий газеталар атоқли ўзбек шоири Муқимийнинг фотосурати топилгани ҳақида шов-шув кўтардилар. Гарчи суратни, у ҳақда мақола ёзган шахс мўътабар киши (Ўзбекистон халқ шоири) бўлса ҳам, устоз Аҳмаджон акага мақоладаги бир қанча фактлар шубҳали туюлди. Шу сабабли у қадрдон дўсти, зукко олим Солижон Йўлдошев билан ҳамкорликда мазкур сурат ҳақидаги бор ҳақиқатни аниқлашга киришди. Салкам бир ярим йил давом этган машаққатли изланишлар натижасида улар суратнинг Муқимийга сира дахли йўқлигини рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботлашга эришдилар. Бу икки олим томонидан шу воқеа ҳақида ёзилган «Беҳуда шов-шув ва ҳақиқат» сарлавҳали мақола «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1981 йил 2 октябр сонида босилиб чиқди. Шундай қилиб, адабиётимиз тарихида юз бериши мумкин бўлган бир қалбакиликнинг олди олинди. Олимнинг бу каби хайрли ишлари талайгина.



А. Мадаминов маданият соҳасида олиб борган самарали ишлари учун 1989 йилда «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди. Республикамиз мустақиликка эришгандан сўнг олим янада ғайрат билан ишга киришди. 1992 йилда шаҳар ҳокими Ҳ. Мавлонқуловнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Қўқон бўлимининг ташкил этилиши Аҳмаджон акага янада кенг имкониятлар очиб берди. Устоз олим бўлимнинг катта илмий ходими сифатида ноёб қўлёзмаларни ўрганиб, улуғ аждодларимизнинг бебаҳо асарларини бирин-кетин нашрга тайёрлай бошлади. У сўзбоши, луғат ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаган Ҳазинийнинг «Тасаддуқ, ё расуллуллоҳ» («Ёзувчи» нашриёти, 1992 йил), Мирзо Хўқандийнинг «Йигирма ҳикмат» («Ёзувчи» нашриёти, 1992 йил), қўқонлик шоир Мидҳатнинг «Орзу» шеърлар тўплами («Андижон» нашриёти, 1995 йил) сингари китоблар бугунги кунда китобхонларнинг мулкига айланиб қолди. Бундан ташқари, олим тайёрлаган Хувайдонинг мукаммал девони, Муқимий, Фурқат, Завқийнинг янги топилган шеърларидан иборат «Янги баёз» китоби ҳам нашр этилиш арафасида турибди.

Бағри кенг устоз, камтарин ва заҳматкаш олим Аҳмаджон ака Мадаминов яқинда 70 ёшга тўлдилар. Биз мумтоз адабиётимизнинг барча мухлислари ҳамда у кишининг шогирдлари номидан олимни самимий муборакбод этамиз. Домлага мустаҳкам соғлиқ, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш йўлидаги эзгу ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

**Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,**
**ЎзРФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти Қўқон бўлими мудири,**
**Рустамжон ТОЖИБОЕВ,**
**филология фанлари номзоди, ТошДУ докторанти**

**Беатриса Форбес МАНЗ**

# АМИР ТЕМУР — ЧИҒАТОЙ УЛУСИ ҲУКМДОРИ

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темур амир Ҳусайнга қарши бошлаб борган ва энди (Ҳусайн устидан қозонилган ғалабадан сўнг) унинг ҳокимиятини эътироф этган амирларнинг рўйхатини келтиради. Булар Шайх Муҳаммад Сулдуз, амир Кайхисрав Хутталёний, Ўлжайту Апарди, Довуд Дуғлот, Сорибуғо Жалойир, Жоку Барлос, Зиндаҳашам Апарди, Муаййад Арлот, шоҳ Шайх Муҳаммад Бадахшоний, Ҳусайн баҳодирлар эди. Булардан ташқари бир қанча руҳонийлар, жумладан, Саид Барака ва Термизни идора қилган хонзода шайхлар[2] ҳам унинг тарафдори эдилар. Шу тариқа, Амир Темур даргоҳида жам бўлган кишилар асосий қабилалар[3] бошлиқлари, бир қанча руҳонийлар ва унинг ўз сафдошлари эдилар. Энди Амир Темур ўз қабиласига мансуб Мурод Барлосни Балх ҳокимлигига тайинлаб, Самарқандга отланди.

Амир Темур ҳаялламасдан ўз ҳокимиятига расмий ҳуқуқий ҳолат беришга киришди. У Қазағон ва амир Ҳусайнлар сингари амир унвони билан қаноатланди, аммо турли воситалар билан Чингизхон авлодлари хонадонига боғланди. У аллақачон чингизийлар сулоласидан бўлган қўғирчоқ хонни тайинлаган эди ва энди Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимга уйлангач, кўрагон унвонидан истифода эта бошлади[4]. У қадимги чиғатойи хонлар қароргоҳига яқин бўлган Самарқанд шаҳрини салтанати пойтахти қилиб, унинг атрофида мудофаа истеҳкомлари бунёд қилди. Амир Темур 771 йил рамазон ойининг ўн иккинчисида (1370 йил, 9 апрел) ўзининг Чиғатой улуси устидан бўлган ҳокимиятини расмий равишда тасдиқ этди. У, шунингдек, маъмуриятнинг дастлабки муассасаларини ташкил этишга киришиб, ҳарбий ва маъмурий лавозимларни улаша бошлади.

Аммо бу Темурнинг машаққатларининг хотимаси эмас эди. Чиғатой улуси устидан ҳокимиятни қўлга киритиш, уни қўлда сақлаб туришдан анча осон эди. Олдин Чиғатой улусида ҳукмронлик қилмоқчи бўлган бошқа амирлар каби Темур ҳам тез орада қабилалар сардорлари ўзига қарши бош кўтаришганини кўрди ва ўз ҳукмронлигининг дастлабки ўн икки йилида унинг салтанати ҳамиша (ички) хатардан холи эмас эди. Ҳақиқатан кўплаб қабила сардорлари Темур ҳокимиятни эгаллагандан сўнг, уни қўллаб-қувватлашдан ўзларини манфаатдор деб ҳисоблашмасди. Чунки улусдаги ҳокимият ўртада талаш бўлганида сиёсий ташаббус қабила зодагонлари қўлида бўларди, аммо кучли марказий давлат ҳукмдори албатта, қатъий равишда қабила сардорлари ҳокимиятини чеклашга интиларди.

Ушбуларга қарамай Амир Темур ҳокимият тепасида қола олди ва ниҳоят Чиғатой улусининг забардаст ҳукмдори бўлди. Унинг фавқулодда муваффақиятларининг бир неча сабаби бордир. Ҳатто ўз ҳукмронлигининг бошланишидаёқ Темур бир қанча катта имтиёзларга эга бўлиб, булар бошқа исталган амирнинг унга қарши бош кўтаришини қийинлаштирарди. Илгари амир Ҳусайн билан иттифоқликда узоқ давом этган ҳокимият учун кураш жараёнида, улар Чиғатой улусининг деярли барча ноқабилавий ҳарбий кучларига[5] бошчиликни ўз қўлларига киритишди. Амир Ҳусайннинг ўлимидан сўнг булар барчаси Темурга қолди. Шунинг учун энди унинг тарафида нафақат барлос қабиласи, балки қораунос[6] қўшини ва яна бир қанча у қадар йирик бўлмаган ҳарбий қисмлар турарди. Темур сулдуз ва барлос қабилалари амирлари томонидан олдин йўл қўйилган хатони такрорламади. Улар қораунослар ҳукмдори амир Абдуллани хонадонидан яна бир неча киши билан қатл қилиб, қорауносларни сардорсиз ўз ҳолича қолдиришганди. Амир Ҳусайн эса бундан фойдаланиб, (қувғиндан) қайтиб келиб яна қораунослар устидан бошчиликни ўз қўлига киритганди[7]. Амир Темур қораунослар лашкарини ўз қўшинига бирлаштирди ва уларга ўзининг энг яқин ва энг ишончли сафдоши Жоку Барлосни қўмондон қилиб тайинлади. Қораунослар устидан бошчилик олдин ҳам кўпинча буйруқ билан тайинланадиган лавозим бўлгани учун, Темурнинг бу тадбири ошкора қаршилик туғилишига сабаб бўлмади. Назаримизда, қораунослар улусдаги энг йирик ҳарбий қўшилма бўлиб, улар олдин амир Қазағон ва унинг невараси амир Ҳусайнни ҳукмдор бўлиш учун етарли куч-қувват билан таъминлаганди. Энди эса Темур уларни ўзининг ишончли назорати остида сақлагач, табиийки, у Чиғатой улусидаги энг катта қўшиннинг қўмондони эди. Амир Ҳусайн қатл этилгач, у атрофига исёнкор қабила бошлиқларини муваффақиятли равишда тўпланиши мумкин бўлган энг сўнгги рақибдан қутулди.

Бундан ташқари Темур қабилалар бошлиқларига таъсир ўтказиш имкониятига эга эди. Чунки улар фойдаланаётган молу мулклар ва ҳарбий қисмларнинг анчагина қисми олдин марказий ҳукумат томонидан бунёд этилган ва эндиликда марказий ҳукумат бошлиғи буни қайта тортиб олмоғи мумкин эди. Дарҳақиқат, Темур олдин қабилалар ихтиёрида бўлган ҳарбий куч ва заҳираларнинг аксар қисмини ўз назорати остига олди. Қабилалар даромадининг катта қисмини берадиган ўтроқ аҳоли эса, табиийки, хўжалик равнақ топиши учун тинч шароит яратиб бера оладиган марказий ҳукумат мавжуд бўлишидан манфаатдор эди. Бундан ташқари қабила сардорлари (исёнга даъват этиш учун) ўз қабиладошлари садоқатига тўла ишонолмас эдилар. Чунки қабилаларнинг ички сиёсати ташқи кучлар, айниқса, қабилалардан устун турувчи марказий ҳокимиятга даъвогар бўлган кучли сардор билан тузиладиган иттифоқларга жуда боғлиқ эди. Темур бирон қабилага нисбатан зўрлик ишлатмасдан ва Чиғатой улуси анъаналарини бузмасдан қабилаларнинг ишларига аралаша оларди.

Шу тариқа Темур қабилалар сардорларининг фитналари ва итоатсизликларига қарши муваффақият билан чоралар кўра олар, айни дамда бу тадбирларни ортиқча зўрлик ишлатмасдан амалга оширарди. Темурнинг ҳокимияти тобора ишончли ва барқарор бўлиб борарди. Аммо то бир неча исён кўтармагунча қатл қилинган ёки сардорликдан маъзул этилган қабила амирлари камдан кам эди. Қачонки Темур бирон амирни ҳақиқатан қатл қилишга ҳукм этса, у баъзи олдинги ҳукмдорлар тажрибасига амал қилиб, айбдорни ундан жабр кўрган кишилар қўлига топширарди. Қабилалар сардорларига нисбатан шу қадар мулойим бўлган Темур, қабилаларнинг ўзига нисбатан бундан ҳам кўра мулойим ва назокатли эди. Унинг ҳокимиятига қаршилик кўрсатган кўплаб қабилалардан бирортаси ҳам бутунлай тарқатиб юборилмаган эди. Фақат битта қабила устидангина унга тўла алоқадор бўлмаган одам қўмондон этиб тайинланганди.

Амир Темурга дастлаб итоатсизлик кўрсатган амирлар унинг рақиби амир Ҳусайннинг собиқ иттифоқдошлари бўлиб, уларнинг энг асосийи амир Мусо Тайжиут эди. У ҳатто Темур ва Ҳусайн ўртасидаги ҳал қилувчи жанг арафасида ўзбошимчалик билан Темур қароргоҳидан кетиб қолганди. Бир саркардани уни қайтариб олиб келиш учун жўнатишди.



Амир Мусо олдин шимол тарафга кўчди, сўнгроқ у ер бехатар эмаслигини билгач, Шибирғонга Зиндаҳашам Апарди ҳузурига келди. Темур шу йил ёзида улус амирларини қурилтойга чақирди, аммо Зиндаҳашам ва Мусо келишмади. Улар бу билан қаноатланмасдан олдин амир Ҳусайнга мухолиф бўлган ва энди Амир Темурни ғалаба муносабати билан муборакбод этишга бораётган икки арлот амирини ўлдиришди. Амир Темур Зиндаҳашамнинг қариндоши Ўлжайту Апардидан ўзи бориб Зиндаҳашамни тартибга чақиришини сўради. Ўлжайту узр сўраб, Зиндаҳашамни кўндирмоқ амримаҳол эканлиги ва шу сабабли ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини айтди. Темур унинг узрини қабул қилди ва ўрнига унинг ўғли Хожа Юсуфни жўнатди. Зиндаҳашам уни дарҳол зиндонга солдирди. Эҳтимол, Ўлжайту апарди қабиласининг бош амири бўлган бўлса керак. Ўзаро яқин бўлган Хутталён ва Шибирғон вилоятларидаги апардилар уни қабила сардори деб билишгани мумкиндир. Зиндаҳашамни итоатга келтирмоққа уриниш ва бунинг уддасидан чиқа олмаслик Ўлжайтунинг обрўйи ва мавқеига бир зарба бўлиб тушарди. Унинг ўғли учун эса бу ҳол у қадар таҳқирли эмасди. Темур Ўлжайтунинг узрини қабул қилгани, у қабилавий анъаналарни бузишни хоҳламаган, деб ўйлашга асос беради. Аммо Темур итоатсиз амирга қарши боришни ўзи учун ҳақоратли деб билмасди ва шунинг учун лашкар тўплаб Шибирғонга отланди. Зиндаҳашам Ўлжайту Апардидан ўзи учун шафоат (воситачилик) қилиш ваъдасини олиб, тезда таслим бўлди. У амир Мусони ҳам таслим бўлишга даъват қилиб, унинг укасини Темурга гаров сифатида топширди. Темур бу икки қудратли амирга қарши ҳали кескин чоралар кўрмоқни лозим деб билмагани равшандир. Шунинг учун у ҳар иккаласининг гуноҳини кечди ва уларнинг мавқеларини қайта тасдиқ этди. Аммо амир Мусони ўзи билан Самарқандга олиб қайтди.

Темурга қарши кўтарилиш учун Зиндаҳашам кўп ўтмай янги иттифоқчи топди. Бу гал у Термиз ҳокими хонзода Абулмаоли билан бирлашди. У яқиндагина Темурга тобелик ҳақида қасамёд қилганди. Энди эса Абулмаоли гўёким тушида пайғамбар (с. а. в.)ни кўриб, охир замон яқинлашаётганидан хабар берди ва ўзини дин поклигини тасдиқловчи деб эълон қилди. У ва Зиндаҳашам биргаликда Термиз ва Балх атрофидаги ерларни хароб қилишди. Темур уларни тор-мор келтириб қочишга мажбур этди ва Термизга доруға (ҳоким) тайинлаб, сўнгра амир Жокуни Хутталён, Қундуз ва Бағлон лашкарлари билан Шибирғонга Зиндаҳашамни қамал қилишга юборди. Жоку қишни шу ерда ўтказди ва баҳорда Зиндаҳашам яна таслим бўлгач, уни Темур ҳузурига келтиришди. Бир неча амирлар яна Зиндаҳашамга шафоатчи бўлишди. Темур унга шафқат қилиб ҳадялар берди, аммо бу гал Шибирғонга қайтиб кетишга рухсат этмади. Бу воқеа 772-73 (1371-72) йилда содир бўлди.

Бу даврда Темур улуснинг куч-қудратини ташқарига йўналтириб, Хоразмни идора қилаётган қўнғиротларнинг Сўфийлар сулоласи ва Илёсхожахон ўлдирилгандан кейин Мўғулистонда ҳокимиятни эгаллаган Қамариддин Дуғлот ва бошқа мўғул амирларига қарши бир қанча ҳарбий юришлар уюштирди. То 782 (1380-81) йилгача, тўққиз ёки ўн йил мобайнида у навбати билан гоҳ Мўғулистон, гоҳ Хоразмга юриш қилди. Гарчанд Темурнинг бу сафарлари муваффақиятли бўлиб, улус амирларини машғулот ва ўлжа билан таъминламаса-да, қабила сардорлари унга қаршилик кўрсатишда давом этишди. Бу пайтга келиб барлосларнинг қўшниси ва анъанавий иттифоқчиси бўлган шимолий қабилалар сардорлари исёнкорлик ишида жанубий қабилалар сардорлари билан бирлашишди. 773-74 (1372-73) йилда Амир Темур мўғулларга қарши қилинган юришдан қайтаётганида улуснинг ҳам шимолий ва ҳам жанубий амирлари исёнига дуч келди. Булар яна ўша Зиндаҳашам Апарди, амир Мусо, эндиликда Хизр Ясовурийнинг ўғли Абу Исҳоқ билан бирлашган Абулмаоли Термизий ва Шайх Абулайс Самарқандий эдилар. Афтидан, бу одамлар Темурни қўлга олиб ўлдириш ҳақида режа тузишади, аммо уларнинг фитнаси фош этилади. Темур уларга нисбатан кескин муомала қилмади. У Абулмаоли ва Абулайсни сургунга жўнатди[8], амир Мусони эса бу гал ҳам кечирди. Бунинг сабаби бир жиҳатдан шунда эдики, Темурнинг қизи Мусонинг жиянига унаштирилган эди. Темур шунингдек Абу Исҳоқ Ясовурийнинг ҳам гуноҳидан ўтди. Чунки Абу Исҳоқнинг куёви (синглисининг эри) Сайфиддин Темурнинг сафдоши бўлиб, у қайнағаси учун шафоатчи бўлди. Аммо Зиндаҳашамни Темур озодликдан маҳрум этиб Самарқандга олиб борди ва у шу ерда вафот қилди. Унинг мулклари Боён Темур ибн Оқбуғо Найманга топширилди. Шу тариқа найман қабиласига мансуб киши апарди қабиласининг бир бўлагига бошлиқ бўлиб қолди. Оқбуғо Темурнинг яқин сафдоши бўлгани учун унинг ўғли (яъни Боён Темур)нинг садоқатига ишониш мумкин эди.

Темур энди ўз диққатини Хоразмдаги Сўфийлар сулоласи тарафга қаратди ва 773 ёки 774 (1372 ёки 1373) йилда унга қарши отланди. Хоразмга юриш пайтида Кайхисрав Темур қароргоҳини тарк этиб, хоразмликлар билан иттифоқ тузишга уринди. Темур сафардан қайтгач, Кайхисравни амир Ҳусайннинг қабиладошлари қўлига топширди. Албатта, у қабиладошларнинг Ҳусайнни ўлдирган Кайхисравдан қасос олишларини кўзда тутганди. Хутталён туманини эса Темур Хутталён амирлари сулоласининг бошқа шоҳобчасидан бўлган Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миркага топширди. Хиёнат учун бу қадар тез ва қаттиқ жазо бериш Темур учун одатдан ташқари бир иш эди. Илгари 769 (1367) йилда амир Ҳусайн таъқибидан яшириниб юришга мажбур бўлганида Кайхисрав унинг яқин иттифоқчиси эди. Сўнгроқ Кайхисрав ҳам Темурнинг мадади билан улусга қайтиб, ўз қабиласи устидан ҳокимиятни қўлга киритганди. Эҳтимол, шу сабабли ҳам унинг хиёнати Темурга айниқса қаттиқ таъсир қилгандир.

Кайхисравнинг қатл этилиши натижасиз қолмади. Энди унинг ўғли Султон Маҳмуд ясовур қабиласидан бўлган икки амир — Абу Исҳоқ ибн Хизр ва Ҳожи Маҳмудшоҳ билан биргаликда Хоразмга Юсуф Сўфи ҳузурига қочиб борди. Уларнинг иғвоси билан Юсуф Сўфи Қот вилоятига босқин ясади. Бунга жавобан Темур 774-75 (1373-74) йилда Хоразмга қарши янги ҳарбий юришни амалга оширди. Юсуф Сўфи тезда ўз қилмиши учун кечирим сўради.

776-77 (1375-76) йилда Амир Темур қабила амирларининг бошқа бир фитнасига дуч келди. Темур мўғуллар ҳудудига қилинган юришдан қайтаётганида Хўжандда тўхталди ва уни марҳум Баҳром Жалойирнинг ўғли, жалойир қабиласининг ўша пайтдаги сардори Одилшоҳ кутиб олди. Бу ерда у Одилшоҳ, Шайх Муҳаммад Сулдуз ва Хуросондаги Гурзивон ҳокими Туркон Арлот томонидан ўзига қарши уюштирилган фитнани сезиб қолди. Бу ҳодиса пайтида Темур фақат Хўжанддан кетишни маъқул кўрди. Сўнгроқ эса Одилшоҳ унинг ҳузурига келганда, мурувват қилиб унинг гуноҳини кечди.

Гарчанд Темур бу даврда жалойир қабиласи сардорига нисбатан кескин муомала қилишга ўзини ҳали тайёр деб билмаса-да, аммо сулдуз қабиласи устидан тўла ҳокимиятини ўрната олишига у ҳақиқатда етарли равишда ишонарди. Келаси баҳорда Хоразмга навбатдаги сафарга жўнаш олдидан у Шайх Муҳаммад Сулдузни жавобгарликка тортиб, уни айбдор деб топди ва қатл қилиш учун акасини Шайх Муҳаммад ўлдирган кишининг қўлига топширди. Шундан сўнг у сулдуз қабиласининг бу қисмининг қўмондонлигини ўз сафдоши Оқтемурга берди. Бу улусдаги Темур ташқи (яъни шу қабилага ёт бўлган) сардор тайинлаган ягона қабила эди.[9] Айни вақтда Темур Боязид Жалойирнинг ўғиллари Али Дарвеш ва Муҳаммад Дарвешларни қатл эттирди. Тарихий манбалар бу икки амир тарафидан исёнкорлик хатти-ҳаракатлари бўлганини қайд этишмайди. Улар жалойир қабиласининг собиқ сардори ўғиллари, демакки, Одилшоҳга рақиб бўлишлари мумкинлигини ҳисобга олсак, эҳтимол, уларнинг қатл қилиниши Одилшоҳнинг садоқатини қозониш учун бир тадбир бўлгандир.

Амир Темурнинг қаттиққўллик ва келишувчилик тадбирларини бирга қўшиб иш олиб бориб, қабила бошлиқларини итоатга келтиришга интилиши тўла муваффақият келтирмади. Қабила амирлари, айниқса, Темур уларга нисбатан доимий мурувват кўрсатиб келган жалойир қабиласи сардорлари ҳануз ишончсиз эдилар. Бу пайтда Темур Одилшоҳ ва Сорибуғо Жалойир бошчилигидаги қўшинни Мўғулистонга қарши жўнатди ва ўзи Хоразмга юриш қилди. Бу ҳар иккала юришни итоатсиз амирлар хиёнати оғирлаштирди. Дастлабки хиёнат шу эдики, Туркон Арлот Хоразм чегарасига етганда қўшиндан ажраб қолиб, сўнгра бу ердан Гурзивон тарафга қочди. Темур унинг изидан саркардаларни жўнатди. Туркон Арлот ўзига етиб олган таъқибчилар билан жанг қилди ва уни шу жангда ўлдиришди. Бундан сўнг кўп ўтмай Темурга янада каттароқ исён хабари, яъни Одилшоҳ ва Сорибуғо исён кўтаришгани маълум бўлди. Амир Темур юришга жўнаб кетгандан сўнг улар Андижон доруғаси билан бирлашиб, ўз издошлари бўлган жалойир ва қипчоқларни Самарқандни қамал қилишга бошлаб боришди. Темур шошилинч қайтиб келиб, уларга зарба бериб қочишга мажбур этди. Қочоқлар олдин шарқий Дашти Қипчоқда Ўрусхон ўрдасидан паноҳ топишди, сўнгра Мўғулистонга дуғлот қабиласи амири Қамариддин ҳузурига бош олиб кетишди. Жалойир қабиласи лашкарининг катта қисми асл жойларида қолишди ва Темур уларни ўз амирларига тақсим қилди. У шунингдек, ўз ўғли Умаршайхни Андижонга ҳоким қилиб қўйди.

Аммо жалойир амирлари Мовароуннаҳрдан таъмасини узмаган эдилар. 778 (1376) йилда Одилшоҳ ва Сорибуғонинг мададига таянган Қамариддин Андижонга лашкар тортиб Умаршайхга ҳамла қилди. Умаршайх мўғуллар ҳужумига дош беролмай ўз лашкарининг бир қисми билан вилоятдан қочди ва Темурга тез етиб келиб ўғлини қутқаришга тўғри келди. Бу воқеалардан сўнг кўп ўтмай Одилшоҳ Жалойир улус шимолидаги тоғларда юрганлигини Темурга маълум қилишди. Темур икки амирни унинг изидан юборди. Амирлар ниҳоят Одилшоҳни ушлаб олиб ўлдиришди. Сўнгроқ, икки йилдан кейин Сорибуғо Темур олдига қайтиб келиб тавба-тазарру қилди ва жалойир қабиласини бошқаришни унга топширишди. Шу пайтдан бошлаб Сорибуғо ва унинг издошлари марказий ҳокимиятга содиқ бўлиб қолишди.

Жалойирлар Темурнинг энг кучли ва энг қатъиятли мухолифи эдилар. Улар бўйсундирилгач, энди улусда қабила сардорларининг исёнкорлик хатти-ҳаракатлари аҳён-аҳёндагина содир бўларди. Темур улусдаги деярли барча қабилалар: Шибирғон апардилари, арлотлар, Хутталён амирлари, ясовуллар, жалойирларнинг қаршилик ҳаракатларини бостирди. У бу тадбирларни муваффақият билан олиб борди ва кўп ҳолларда қабилалар сардорларини ўзгартирди. Улуснинг энг қудратли қабилалари, яъни жалойир, сулдуз ва Шибирғон апардиларини эндиликда Темурнинг ишончли ва садоқатли сафдошлари бошқарарди. Шу тариқа, ўн икки йил ҳукмронликдан сўнг Амир Темур бутун Чиғатой улуси устидан тўла назорат ўрнатишга муваффақ бўлди.

**Инглиз тилидан Ғулом КАРИМ таржимаси.**

**ИЗОҲЛАР:**

**1. Чиғатой улуси — мўғуллар истилоси оқибатида Марказий Осиёда ташкил топган давлат. Амир Темур давлати собиқ Чиғатой улуси ҳудудида бунёд этилган бўлса-да, соҳибқирон ўзини Турон мамлакати ҳукмдори деб билган. (Изоҳлар таржимонга тегишли).**

**2. Хонзода шайхлар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) куёви ҳазрати Али авлодидан Термиз шайхлари сулоласи бўлиб, уларнинг хонадони бир неча аср давомида аҳоли ўртасида юксак обрў-эътиборга эга бўлган. Мазкур шайхлар хонадонининг бир намояндаси ўз даврида Мовароуннаҳр ҳукмдори Исмоил Сомонийга (874—907) куёв бўлган пайтдан бошлаб, уларга худойвандзода ёки қисқача қилиб хонзодалар деб лақаб берилган.**

**3. Тарихий манбаларнинг Амир Темур ҳукмронлигидан олдинги бир неча ўн йилликка бағишланган қисмларида қабилалар орасидаги низолар ва ўзаро урушлар ўлкадаги энг даҳшатли офатлардан бири сифатида тасвирланган. Бу ҳол соҳибқирон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ҳам қисман давом этган. Амир Темур мамлакат таназзулининг асосий сабабларидан бири бўлган бу тарқоқлик ва беҳуда қон тўкишларга чек қўйиб, турли туркий қабилаларни жипслаштирди. Шу нарса диққатга сазоворки, тарихий манбаларнинг Амир Темур ҳукмронлигининг охирги йиллари ва ҳазрат вафотидан сўнгги даврига оид қисмларда қабилавий низолар ҳақидаги хабарлар йўқ даражада оз. Ўлка сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги бу улкан ижобий ўзгариш, шубҳасиз, Амир Темурнинг ўзбек миллати шаклланиши ва камол топишидаги улуғ тарихий хизматларидан биридир.**

**4. Ўша пайтда, айниқса, кўчманчи қабилалар орасида Чингизхоннинг номи машҳур бўлиб, унинг кўпдан кўп авлодлари турли ўлкаларда паст-баланд мавқеларга эга эдилар. Аҳоли орасида олий ҳукмдор фақат чингизийлардан бўлиши керак, деган ғоя кенг тарқалган эди. Амир Темур Туронда мустақил марказлашган давлат қуришга киришар экан, бу мавжуд ҳолатни ҳисобга олмасдан иложи йўқ эди. Битта чингизийнинг номига бўлса-да, расмий равишда хон қилиб кўтарилиши бошқаларини Мовароуннаҳрдаги олий ҳокимиятга даъвогар бўлишдан бир қадар тийиб турарди. Мустақил давлат етарли даражада мустаҳкам ва барқарор бўлгач, қўғирчоқ хонларга ҳеч бир эҳтиёж қолмайди ва иккинчи чингизий хон Султон Маҳмудхон вафотидан сўнг Амир Темур бошқа ясама хон кўтармайди.**

**5. Ноқабилавий ҳарбий кучлар деганда муаллиф муайян бир қабилага мансуб бўлмаган ҳарбий гуруҳларни назарда тутади.**

**6. Қораунос атамаси ҳақида илмий тадқиқотларда бир-биридан фарқли турли фикрлар мавжуд. Амир Темур замондоши бўлган етук муаррих Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» асаридаги маълумотлар қорауносларнинг ҳарбий жиҳатдан кучли қавмлардан бири бўлиб, амир Қазоғон ва унинг авлодлари, жумладан, амир Ҳусайннинг хос гвардиясини ташкил қилишганидан далолат беради. Уларнинг бўйсундирилиши, албатта, Амир Темур ҳокимиятини ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан анча мустаҳкамлаган эди.**

**7. Амир Ҳусайн амир Қазоғоннинг невараси ва унинг ўғли амир Абдулланинг жияни эди.**

**8. Диққатга сазовор ҳоллардан бири шуки, Абулмаолининг ашаддий исёнкорлигига қарамай, Амир Темурнинг Термиз шайхлари хонадонига нисбатан эҳтироми ҳамиша кучли бўлган. Соҳибқирон Рум сафаридан қайтаётганида Термизда хонзода Алоулмулкнинг уйида тўхталгани ҳам буни тасдиқлайди.**

**9. Амир Темур қабилалар бошлиқларини ўзгартирганда одатда яна шу қабилага мансуб ёки унга бирон бир алоқаси бўлган одамларнигина тайинлаган. Оқтемурнинг ҳам сулдузларга қариндошлик томони ёки бошқа жиҳатдан алоқадорлиги бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.**

Маънавият қирралари

# БОШ БУКИЛМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Фарзанд ота-она учун ҳаёт қувончи ва уларнинг эзгу орзу-умидлари. Агар фарзандлар яхши тарбия топиб вояга етса, ота-она шодлиги беқиёс, акс ҳолда ортиқча кулфат-андуҳдир.

Хўш! Фарзанд тарбиясида кимлар жавобгар? — деган савол туғилиши табиийдир. Менинг ҳаёт тажрибам шундан далолат берадики, бу соҳада энг аввало ва бирдан-бир жавобгар онадир.

Қолганлар — ота, мактаб, маҳалла, қавм-қариндош ва болаларнинг дўст-дугоналари иккинчи ўринни эгаллайди. Чунки она ўғил-қизи билан узлуксиз доим мулоқотда. У бир гапирмайди, қайта-қайта гапираверади... Шунинг учун ҳам америкаликлар ўртасида «Фарзандлар ақлли бўлсин десанг, ақлли аёлга уйлан!» — деган нақл кенг тарқалган. Лекин афсуслар бўлсинким, ҳар қандай қизнинг пешонасига у ақлли деб ёзиб қўйилмаган-ку, ахир! Барча қизлар ҳарир либосларда шундай беғубор, покиза, ибоҳаёли, ҳурлиқодек кўринадиларки, жозибалари кўзларни қамаштиради, даъфатан билиш қийин кимнинг қандайлигини. шу боисдан кўп ўтмай оқила, фозила, доно, ҳурмат-иззатли аёллар қаторида уларга тамомила тескари бўлганлар юзага чиқади. Мана шу икки тоифадаги аёллардан тарбиясига ҳавас қилсанг арзийдиган ёки уларга нафрат билан қараладиган фарзандлар вояга етишиб чиқадилар. Яна бир таъкидлаб айтаманки, ана шу бир-бирига қарама-қарши тарбия топган фарзандлар учун кўпроқ оналар жавобгардирлар. Оталар оилани тебратиш, моддий замин, шароит яратиш учун умр бўйи банд бўладилар.

Фарзанд тарбиясига яна қуйидагилар таъсир кўрсатади:

1. Болалар тарбиясида эр-хотин ҳамжиҳатлиги ва оиладаги иноқлик. Эр-хотин ўртасида тинч ва осуда ҳаёт кечмаган оилада, айрим ҳоллар мустасно, кўпчилик вақтда фарзандлар тарбияси кутилгандек бўлмаслиги кўпчиликка аён. Лекин яхши ва иноқ оилаларда ҳам болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар пайдо бўлиб туради. Улардан бири ота-онанинг тарбияда ҳамжиҳат бўлишлиги ёки бўлмаслигидир, уни ота маъқуллаши, отаникини эса она тасдиқлашидир. Мана бунга бир мисол: ота боласига бир иш буюрганда, она сапчиб отага, бола бечора ҳозиргина мактабдан келди. Унга иш буюриб нима қиласиз, уни ўзингиз қилиб қўя қолсангиз бўлмайдими, деса ўша ондаёқ бола тарбияси синиб дарз кетди, деяверинг. Чунки болалар табиатан «қил» деган сўздан «қилма» деганини яхши кўрадилар. Бунга қўшимча қилиб яна бир ибратли сўз айтмоқчиман. Менинг катта Мулла Одил тоғамлар, у кишини худо раҳмат қилган бўлсин, ҳамма вақт: «Кимда ким боласини севса яхши овқат берсин, у болани бақувват, соғлом қилади, ясан-тусанга зўр берса, болани аҳмоқ қилади», деб такрорлар эдилар. Шунга кўра болани эркалаб, кийимига зеб бериш кўп вақтларда яхшиликка олиб келмаган.

Ота-онанинг ҳамжиҳат тарбияси изчил таъсирчан бўлади, яхши натижа беради. Ота болага онангни айтганини ўз вақтида қил деганда, она ҳам болага отанг бир сўз дедиларми, уни сўзсиз бажар, у сени отанг бўлади! Сенга ҳеч вақт ёмонликни раво кўрмайдиган деса, олам гулистон ва у чаманда ўсган фарзандлар севимли бир даста гулдир.

Гоҳо содир бўладиган (бунингсиз мумкин эмас) эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар мумкин қадар фарзанд қулоғига етмайдиган шароитда ҳам эшитилиши, мақсадга мувофиқдир. Эрнинг бақирган овозини, хотиннинг йиғлаган кўз ёшини фарзандлар сезмаслиги шарт. Шу қатори ота-онанинг бир-бирлари устидан фарзандларига шикоят қилишлари энг ярамас ҳол бўлиб, бу улар тарбиясига жуда ёмон таъсир кўрсатиб, улар дилида ўчмас доғ қолдиради.

Оиладаги ҳамжиҳатликнинг белгиларидан яна бири меҳмоннавозликда, тўй-маъракаларда уруғ-аймоқни ажратмасликдир. «Илон бош» (хотин авлоди) ва «сават бошлар» (эр авлоди)га бўлган муносабат бир тарзда кечиши лозим. Акс ҳолда болалар ўзларига салбий хулосалар чиқарадилар. Бинобарин бу ўз навбатида улар тарбиясига ножўя таъсир қилади.

2. Болалар тарбиясида меҳнатнинг тутган ўрни. Меҳнатнинг бу соҳадаги аҳамияти беқиёс эканлиги кўпчиликка равшан. Ёшликдан меҳнатга кўниккан ўғил-қиз ҳаётда ҳеч вақт бахтсиз бўлмаган. Лекин баъзи бир оилаларда болаларни севиш ниқобида уларни меҳнатдан четлатадилар. Қизларни эса ошхонага яқинлаштирмайдилар. Гўё ота-она даврида ўғил-қизлар ўйнаб қолсин эмиш! Бошига тушса ўрганиб олар ва меҳнат қилар деб, фарзандларни майиб қиладилар! Ахир, ҳар қандай нарса, жумладан меҳнат қилиш ёшликдан юқади-ку! Буни унутмаслик керак! Суяк қотгандан сўнг барча уринишлар бефойда!

Бунинг ўрнига боладаги меҳнатга мойилликни топа билиш ва уни рағбатлантириб тараққий эттириш ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи бўлиши шарт. Болаларни касб танлашига келсак, касбнинг ёмони йўқ! Фақат у касбни пухта эгаллаб, касбдошлар орасида биринчи бўлишга интилиши катта аҳамият касб этади. Дурадгорми, олимми, ишчими, деҳқонми, илғор ва касб устаси бўлса, у ҳеч вақт ҳаётда туртинмайди ва озор чекмай, фаровон яшайди. Бу ўринда фарзандлар агар ота-она касбини эгаллашни орзу қилсалар, майли, ниятлари йўлдош бўлсин. Зеро, ота-онадан у фарзандга кўп нарса мерос бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, ҳамма ўғил-қизнинг ўқимишли бўлиши албатта шартмикин? Бу йўлда ота-онанинг вазифаси боладаги қизиқишни сеза билиш ва уни қизиқтирган соҳага йўллай билишдир. Хуллас, меҳнатнинг қандай бўлишидан қатъий назар ёшликда у қонга сингдирилиши керак. Ёшликдаги ўрганилган меҳнаткашлик ҳаёт сўқмоқларини босиб, оғир довонларни ҳам ошиб ўтишда фақат ёрдам кўрсатади, холос. Шунинг учун бўлса керак, АҚШдаги кўпчилик миллионер-миллиардерларнинг ўғил-қизлари ёшликданоқ ёлланиб (идиш-товоқ ювиш, супуриш-артиш, дастёрлик ва б.) турли жойларда ишлаб, ҳатто олий ўқишга кириш учун ўзлари ишлаб пул жамғарадилар. Буни ниҳоятда ибратли ва болалар тарбиясидаги ҳал қилувчи омиллардан бири десак арзийди. Бу соҳада қизиқиб китоб ўқиш, қандайдир бир ҳунар ўрганиш ёки санъатга берилиш ҳам меҳнатдир. Фақат фарзандлар қуруқ еб-ичиш ва яхши кийинишдан ўзларини тийиб, қандай бўлмасин бир фойдали ҳунар билан шуғуллансалар бас, бу тўғри тарбия учун катта дастак бўлади.

Ўғил-қизларни ота-она ҳамжиҳатлигида, ёшликдан меҳнат оғушида тарбияламай, уларнинг пулга мойиллигини оширилса, ундан хавфли нарса бўлмаса керак. Бола пул қанчалар меҳнат-машаққат билан топилганини билмаса, қадрига етмайди. Пулни қадрини билиб сарфлаш болага чуқур сингдирилса, у тежамкор, эҳтиёткор бўлиб ўсади. 50 йил давомида ўрта мактабларда муаллим бўлиб ишлаган Мирмаҳмуд ака чақалоқни бешикка белаган кунидан бошлаб унинг қулоғига жом чалсанг, у ором олиб ухлаб қолади. Жом садоси таъсирида вояга етган бола катта бўлгач «Чўли ироқ», «Фарғона тонг отгунча» ёки муножот» каби куйлардан роҳат ололмайди ва жом садосини қўмсайди, деган эдилар. Бу реал ҳақиқат. Ҳамжиҳатлик барқарор оилада тарбия топган болалар яхшилик-ёмонлик ва эзгулик-ёвузликни яхши фарқлайдилар. Эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат, иззат-икромли оилада шундай муҳит яратадики, бу боланинг маънавий дунёсини шакллантиришида беқиёс аҳамият касб этади. Ота-она ўртасидаги ўзаро ҳурмат, эътибор, меҳр-оқибат болага юқмай қолмайди. Бола дунёга шу меҳрнинг нигоҳи билан боқади. Болаларда ота-онага бўлган ҳурмат, иззат ва садоқатнинг негизи ҳам худди мана шунда. Ота-она ўртасидаги вафо, оқибат, меҳрибонлик бола қалбига дарёдай оқиб киради. Бу ҳар қанча сўзлар, насиҳатлардан кўра таъсирлироқдир.

Ҳар ким экканини ўради...

Бир оилани севимли фарзанди 11 синфни тугатгач, олийгоҳга ўқишга киролмай қолди. Шунда отаси, ўғлимиз бу йил ўқишга киролмаган бўлса келгуси йил кирар. Лекин ҳозир ўғлимиз бекор юрмай биронта ишга кириб ишласин, ҳеч-са биронта ҳунар эгаси бўлади, деса, онаси:

— Вой дадаси! Биттаю-битта ўғлимиз ишга кириб нима қилади. Сиз билан менинг давримда бола бечора бир йил дам олса олар. Унинг топган пулига, худога шукур, зор эмасмиз-ку! — дейди.

Отаси:

— Э, хотинжон! У пул топсин деганим йўқ-ку! Бекор юрмасин, ишласин, — дейди.

Бу тортишув уйда бир неча бор такрорлангандан сўнг, она барибир ўз айтганида қолиб, ниҳоят боласига:

— Ўғлим! Отанг сени бир ишга кирсин деб, ҳоли-жонимга қўймаяптилар. Мен бўлсам сен бир йил дам олгин! — демоқчиман, деса боласи:

— Онажонимдан ўргилай! — деб онасини қучоқлаб ўпган экан.

Ишла! — деган сўздан, ўйнаб қол! — деган сўз болага ёқимли-да албатта. Шунинг билан бирга ота обрўсига боланинг ёш қалбида оз бўлсада путур етди, деяверинг! Ана шу дастлабки отага ёмон қарашлар, вояга етиб ундай фарзандлардан ота безорилар униб чиқиши ҳеч гап эмас!..

Алқисса, она фарзандини ўз «ҳимоясига» олиб дебди:

— Болам! Сен шу кундан бошлаб «ишга кирдинг». Мен сенга ҳар куни эрталаб отангдан беркитиб 100 сўм пул бераман. Унинг ярмини ўзинг ишлатасан, қолган ярмини отанг ишдан келгач, мана мени ишга кириб топган пулим деб, тутқизасан! — дейди.

Бола онанинг айтганларини тўлиқ бажариб, отаси қайтганда, унинг қўлига 50 сўмдан берадиган бўлибди. Ота бундан қувонгандай бўлибди-ю, ҳар гал пулни ғижимлаб улоқтираверибди. Бу ҳолат икки ойлар чамаси давом этгач, бола бундан фавқулодда хулоса чиқариб, бу ҳол қачонгача давом этиши мумкин? — дебди-да, ҳаққоний ишга кирибди. Вақти етиб олган маошини биринчи бўлиб отасига олиб келиб берганда, отаси у пуллардан бир дона 10 сўмликни олиб ғижимлаб отмоқчи бўлганда, бола шери ғаррондек отасини қўлига ёпишиб:

— Ота! Бу пул-ку, ахир! Нега йиртаверасиз! — деганда, отаси:

— Баракалла ўғлим! Бу пул! У ҳар бир кишининг пешона тери билан топилган бўлса унинг учун қадрли. Энди мен ишондим, сен ишга кирибсан. Мана кўрдингми! Ишлаб топилган мол-дунё қадрли ва роҳатбахшдир! — деган экан қаноат ҳосил қилиб.

Яна бир воқеа.

Кўчадан кетаётган бир йигитча беҳосдан янги ботинкаси билан лойни босиб олади-да, сўнг бир четга чиқиб, янги пальтосининг бари билан ботинкани арта бошлайди. Буни кузатиб турган бир қария ажабланиб:

— Эй, ўғлон! Нега ботинкангни янги палтонинг этагига артяпсан? Палтони аясанг бўлмайдими? — деса, бола:

— Отахон, ботинкани ўзим ишлаб топган пулимга сотиб олганман, палтони эса адам олиб берганлар, — деган экан.

Қизлар азал-азалдан бировнинг хасми бўлганлар ва шундай бўлиб қолаверадилар. Чунки бу ҳаёт қонуни. Шу боисдан уларни узатишда сепли бўлиши учун тиришманглар. Улар сепли бўлгандан кўра, эпли бўлсинлар. Уларнинг энг олий сеплари бичиш-тикиш, тўқиш, пазандалик маҳорати, иболи-хаёли бўлишлари, иззат-ҳурмат гулшанида чамандек очилишлари, бир сўз билан айтганда, ҳаёт учун ҳар томонлама тайёр эканликларидир. Ота-она қизига тахт ясаса ҳам, бахт ясолмайди, деган-ку доно халқимиз.

Тарбия жуда-жуда нозик соҳа. Унинг муайян тайёр қолипи ёки тайёр қўлланмаси йўқ, Фарзанд бир ёш новдаки, уни қай томонга қайирсангиз, шу томонга қараб ўсади. Тарбиядаги биринчи масъулиятли шахслар булар — ота-она. Бола бахти эса доимо ота-она бахтидир.

**Мирмажид ЗОКИРОВ,**
**профессор**



## ҚЎҚОНДАН МАКТУБ

Муҳтарам бош муҳаррир!

***Мен бир неча йиллар муқаддам, аниқроғи 1987 йилда Жалолиддин Румий ижодларига қизиқиб «Маснавийи маънавий»дан баъзи таржималар қилгандим. Бироқ ўзимда фақат 1963 йил Душанбеда нашр қилинган «Ҳикояҳойи халқи маснавий» китоби бор эди. Китобда «Маснавий»дан олинган ҳикоятлар ҳаммамизга маълум сабабларга кўра қисқартириб олинган экан. Шу сабаб бўлиб ҳафсалам совиган эди.***

***Шу йилнинг бошида қўлимга «Маснавий»нинг Теҳронда босилган тўлиқ нусхаси тушиб қолди. Китоб машҳур инглиз шарқшуноси Р.Николсон тайёрлаган мўътабар матн асосида нашр этилган экан. Шу китоб асосида таржима қилишни давом эттираётгандим. Шундан баъзи машқларимни газетадаги Шарқ маънавияти руҳига уйғун келар деган илинжда «МТ»га юборяпман. Маъқул бўлса эълон қиларсиз деган умиддаман.***

***Эҳтиром билан: Абдуллатиф МУҲАММАД***

*Қўқон шаҳри*

## ҚУРҒОҚЧИЛИК БЎЛИБ, ХАЛҚ ОЧЛИКДАН ҚИРИЛАЁТГАН ЙИЛИ ХУРСАНД БЎЛГАН ЗОҲИД ҲИКОЯТИ

**(«Маснавийи маънавий»дан)**

Бир йили қурғоқчилик чандон эди,
Юртда зоҳид шоду, халқ гирён эди.

Айдиларким: «Сен куларсан бесабаб,
Жумла мўминлар қирилса, во ажаб?

Раҳмати Ҳақ бизга ёт ўлди, дариғ,
Чўлу саҳро сарғайиб сўлди, дариғ.

Боғу роғлар жизғинак бўлди тамом,
Заррача нам йўқ заминда субҳу шом.

Ўнлабу юзлаб одам қурбон эрур,
Сувдин айрилган балиқдай жон берур.

Бул мусулмонларга раҳминг йўқ ҳақир,
Жумла мўмин бир тану жон-ку ахир?!

Хоҳ сулҳ айёми, хоҳ — жангу хатар,
Бир жойинг дарди бутун танга етар».

Айди:«Бу-қурғоқчилик сизга магар,
Бул замин менга беҳиштдай жилвагар.

Ҳар макону дашт аро солсам назар:
Гуркираб ўсгай бошоқлар сарбасар.

Чайқалурлар тонг елида муттасил,
Ҳам биёбон кўкпиёздан ям-яшил.

Ростми шу, деб қўл тегизган чоғ ман,
Қўлу кўзимни узолмай доғман.

Жисмингиз фиръавнига ёрсиз бу кун,
Сизга Нил ҳам қон кўрунгай шу учун.

Ақл Мусосини ёр айлаб юринг:
Қон кетиб, дарё суви пайдо, кўринг.

Гар отанг сенга жафо тийғин қадар,
Ит бўлуб кўзга кўрингай ул падар.

Ул жафо таъсиридур, ҳеч ит эмас,
Ўз отангни ит этиб кўрсатди, бас.

Бўридай кўринди Юсуф, не ажаб,
Ки оғоси кўнглида-қаҳру ғазаб.

Сен отанг бирла ярашгач, йўқ алам,
Ит кетиб, бўлгай отанг боз муҳтарам».

## БИР ҚАЗВИНЛИКНИНГ ЕЛКАСИГА СУВРАТ ЧЕКТИРГАНИ

Тинглагил, соҳиббаён нелар демиш:
Аҳли Қазвин ичра бу одат эмиш.

Чизгай эрмишлар баданга ҳар маҳал
Шеру қоплон сувратини тез, жадал.

Игна бирла юргизармишлар тағин
Мовий айлаб ул шаклнинг ҳар ёғин.

Ходмигар қошига қазвинлик келиб,
Илтимос этди расм орзу қилиб.

Айди: «Не сурват чекай, эй паҳлавон?»
Айдиким: «Маъқул менга шер бу замон.

Толеим шердурки, шер нақш айлагил,
Рангига мовий тусин бахш айлагил».

Айди: «Қайси жойга чексам соз бўлур?»
Айди: «Чексанг елкага кўнглим тўлур.

Токи юргум шер каби ҳайбат ила,
Жанг аро ё базмда ғайрат ила».

Ходмигар бир игнани санчган замон,
Паҳлавоннинг елкаси оғрир ёмон.

Нола айлар паҳлавон: «Эй, муҳтарам,
Сўйдинг-эй, не бир бало чиздинг бу дам?»

Айди: «Менга шерни чиз, девдинг ўзинг»,
Айди: «Қайдин бошладинг, борми кўзинг?»

Айди: «Думдан бошлагандим аввало»,
Айди: «Қўйгил думни, эй ақли расо.

Шунчалар қисди нафасни шер думи,
Ўйлаб-ўйлаб топганинг менга шуми?

Майли бедум бўлса бўлсин шер ўшал,
Наштаринг-ла дилга еткурма халал».

Бошқа ерни кўзлабон ул бераҳм,
Шафқат этмай игна-ла этди захм.

«Қайси аъзо бўлди бу?» — деб дод солур,
Ходмигар ҳам: «Бу қулоқ» — деб жим қолур.

Айдиким: «Кўп вайсамай қилгил тамом,
Чизмагайсан сен қулоқни вассалом».

Бошқа жойга игнани сурган ҳамон,
Чиқди қазвинлик дилидан бир фиғон.

Айди: «Не чиздинг яна мақсадни айт?»
Айди: «Қоринни чизишга етди пайт».

Айди: «Шернинг қорни бўлмас даҳр аро,
Асли бу бадбахтга қорин нораво.

Раҳм этиб сен, айла озорингни бас,
Тангри ҳаққи, шерга қорин шарт эмас».

Ходмигар ҳам лол қолиб бўлди хуноб,
Ҳангу мангдир ҳийла вақт топмай жавоб.

Жаҳл ила сўнг ерга отди игнани,
Айди: «Мундоғ можаро кўрган қани?

Қорни йўқ, думсиз, қулоқсиз шерни, ҳой,
Тангри ҳам ҳатто яратмас ҳойнаҳой.

Игна захмига чидаш бер, ўзни бос,
То бўлурсан жабри нафсингдан халос.

Ким вужуд ташвишидин озод бу кун,
Сажда этгай ой, қуёш анга бутун.

Қайси танда маҳв ўлур ул нафси габр[1],
Қуллуқ этгайлар анга хуршиду абр.

Сабр аро ёнмоққа мойил бўлса дил,
Офтоб ҳам куйдиролмас яхши бил.

Ҳақ хабар бермиш қуёшнинг коридин:
«Четлаб ўтгай ул аларнинг ғоридин»[2].

Жузв[3] агар ўз куллига [4]чун топса йўл,
Йўлида бўлғай тиканлар бари гул.

Тангри таъзимин бажо қилмак недур?
Ўзни хору хокипо билмак недур?

Недурур тавҳидни ўрганмак ўзи?
Бир худо деб куймак, ўртанмак ўзи?

Кун каби порлашни гар қилсанг хаёл,
Тун каби бу борлиғингни ўтга сол.

Борлиғинг ул асли Борлиққа кириб,
Кимиёдан мис каби оққай эриб.

Бор вужудинг чулғаган кибру ҳаво —
Жумла кулфатларга этмиш мубтало».

**Форсчадан Абдуллатиф МУҲАММАД таржимаси.**

***ИЗОҲЛАР:***

**1. Габр** — оташпараст, мажусий.

2. Мазкур мисрада Қуръони каримнинг **«Каҳф»** сурасидаги **«Қуёш-чиқишда уларнинг ғорларидан ўнг тарафдан ўтиб кетганини, ботишда эса улардан сўл томонга йироқлашиб кетганини** (чиқишда ҳам, ботишда ҳам уларни қиздириб, уйқу-ором-ларини бузмаганини), **улар эса** (ғор)**нинг тўрида эканликларини кўрурсан...»** мазмунидаги 17-оятига ишора қилинмоқда.

**3. Жузв** — бирор нарсанинг бир қисми, бўлак.

**4. Кулл** — бутун, яхлит нарса.

***Бугунги ҳар кимнинг ихтиёр ва имконини ўз чархига солаётган замонда ижодни қисмат деб билган қалам соҳиблари озайиб бораётгандай. Балки ундай ҳам эмасдир. Бу руҳ пойтахтдан олисроқ вилоятларда яхши сақланиб қолаётгани бизни-да умидлантиради.***

***Юртимизнинг сўлим воҳасидан ўз ижодидан бир шингил намуна таклиф этиб юборган дўстимизнинг мактуби вилоятларда ёшларга раҳнамолик қилиб қалам тебратаётган ижодкорларни ёдимизга солди. Бухорода Садриддин Салим, Қашқадарёда Неъмат Арслон, Карманада Одил Ҳотам, Хоразмда Матназар Абдулҳаким кабиларнинг қилаётган ишлари, тарбиялаётган ниҳоллари, иншооллоҳ маънавиятимиз, адабиётимиз бўстонини мевасиз қолдирмайди.***

***Абдуллатиф Муҳаммад таржималари боис шояд маснавийларнинг мислсиз маънавият оламига киргайсиз. Шояд бу учқунлардан руҳоният пиликлари осуда, вазмин шуълалангай.***

***«МТ»***

# ИСМЛАР ХОСИЯТЛАРИ

## АКМАЛ

Ушбу исм соҳибларидан: Акмал ибн Умар Абул Жаноб Нажмиддин Кубро (1145-1221 — Хоразм — Урганч). Уч карра бутун мусулмон дунёсига «Шайхи валитарош — авлиёлар яратувчи шайх» деб улуғланган зоти олий «Ўзини билган Худони ҳам билур» деган машҳур ҳадисни эркин талқин этган суфийлар раҳнамоси. Акмалул мукаммал инсон деб улуғланган олий сиймо. Бу улуғ зотнинг мақбаралари Кўҳна Урганчда. Кубро мўғуллар истилоси қурбони бўлган.

Акмал Тошкандий (ваф.1883). Маърифатпарвар шоир, олим. Қуръонни тўғри ўқиш қоидалари китобининг муаллифи. Ўзи мактаб очиб дарс берган мактабдор. Қашқарда кўп вақт қози вазифасида ҳам ишлаган.

Исм маъноси: Энг мукаммал, нуқсонсиз, тўлиқ, баркамол. Замонининг етуги — акмали даврон.

**— Улуми фанда Афлотундин афзал,**
**Камоли ақли дониш бирла акмал.**

Алишер Навоий.

**ИСМНИ ЭЪЗОЗЛАШ, ҲУРМАТЛАШ, ЭРКАЛАШ ТУРЛАРИ:**

**Акмалбек** — мукаммал, етук пешво.

**Акмалжон** — жондан азиз, севимли.

**Миракмал** — мукаммал, етук бошлиқ.

**Саидакмал** — бахт-саодатли, нуқсонсиз, замонасининг етук фарзанди.

**Акмалпўлат** — мустаҳкам иродали, кўпчиликка раҳбарлик қилгучи.

**Акмалхўжа** — улуғвор жаноб.

**Акмалшо** — шоҳ сифатида баркамол зот. (Шоакмал)

## АКОБИР

**Исм маъноси**: Энг катталар, энг улуғлар, юқори мартабали давлатманд киши. «Акбар» сўзининг кўплиги.

**Исм** — улуғлар орасида улуғ раҳбарлик қилувчилар орасида эътиборли бўлсин деган маънода берилади.

**ЭЪЗОЗЛАШ, ҲУРМАТЛАШ, ЭРКАЛАШ ТУРЛАРИ:**

**Акобирбек** — улуғлар улуғи, пешво.

**Акобирилла** — Аллоҳ мартабасини улуғ қилган зот.

**Акобирхўжа** — юқори даражали жаноб.

## АКРАМ

Исм музаккараси — **Акрам.**

Муаннаси — **Акрама.**

**Исм маъноси**: Энг карим, энг ҳурматли, иззат-икромли, эъзозли, ўта ҳимматли. Акрамул-акрамин — каримларнинг карими (яхши ҳимматликларнинг ҳимматлиси, карам қилувчиларнинг энг карамлиги!) Азизлик ато этилган зот.

**ЭЪЗОЗЛАШ, ҲУРМАТЛАШ, ЭРКАЛАШ ТУРЛАРИ:**

**Акрамали** — олий даражадаги ҳурматли зот.

**Акрамбек** — иззат икромли, ҳурматли раҳбар пешво.

**Акрамбой** — энг карамли, ҳимматли, бойбадавлат, улуғ иззатли зот.

**Акрамжон** — жондан азиз, иззат-икром соҳиби.

**Мирзаакрам** — иззатли, эъзозли, етук соҳиби илм.

**Миракрам** — каримлар карими, ҳурматга сазовор пешво.

**Саидакрам** — саодатли, бахтли, ҳимматли башар.

**Акрамхон** — мукаммал ҳимматли, юқори мартабали башар.

**Акрамхўжа** — ҳурмат, иззат соҳиби жаноб.

**Шоакрам** — шоҳ сифат иззат-икромли.

## АЛИ

Ушбу исм соҳибларидан: Али ибн Толиб (602-661) Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёвлари, Фотима исмли қизларининг эри. Исломиятда тўртинчи ҳалифа (656-661).

2. Алишер Навоий (1441-1501). Сўз мулкининг султони. Ўзбек тилининг яратувчиси, улуғ зоти олам.

Алихон Соғуний — Алихон тўра Шокир ўғли (1885-1976) Қирғизистоннинг Балахон Соғун қишлоғида таваллуд топган машҳур халқпарвар, ватанпарвар олим. 1942 йилдан Шарқий Туркистон Мувақкат ҳукумати раиси, армия қўмондони, маршал, озодлик курашининг раҳбари. Кейинчалик совет коммунистлари найранги билан Тошкентга келтирилган ва 1976 йили Тошкентда вафот этган. Ушбу исм илоҳия исмлардан бири бўлиб, Ал-Алий — улуғ мартабали, буюк, буюклигини англашдан бутун халқ ожиз маъносидадир.

**Муҳаммад Ҳошим**
**Қобилқори ўғли НАБИЗОДА**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0604.
3526 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топширилди — 22.10
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6